

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

“ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ” ФАКУЛЬТЕТ

5230100 – Иқтисодиёт (қишлоқ хўжалиги) таълим йўналиши

**14.63-гуруҳ битирувчиси Отажонов Улуғбек Мухамаджон
ўғлининг**

**АГРОСАНОАТ МАЖМУАСИНИ ДАВЛАТ
ТОМОНИДАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА ТАРТИБГА
СОЛИШ**

мавзусидаги

**БИТИРУВ
МАЛАКАВИЙ ИШИ**

Илмий раҳбар:

ўқитувчи Д.Т.Юлдашев

ФАРҒОНА – 2018

МУНДАРИЖА:

КИРИШ.....	3
I- БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА АГРОСАНОАТ МАЖМУАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ШАКЛЛАНТИРИШ АСОСЛАРИ	
1.1. Агросаноат тушунчаси, унинг мазмуни ва таркиби.....	8
1.2. Агросаноат мажмуасининг мамлакат иқтисодиётида тутган ўрни.....	11
II- БОБ. АГРОСАНОАТ МАЖМУАСИНИ КОМПЛЕКС РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ТАДБИРЛАР ТАҲЛИЛИ	
2.1. Агросаноат мажмуаси корхоналарини модернизациялаш ва диверсификациялаш бўйича ҳудудий ривожланиш дастурлари ва уларни бажарилиши таҳлили.....	20
2.2. Қишлоқ хўжалик корхоналарида агросаноат интеграциясини чуқурлаштиришда уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни такомиллаштириш.....	31
III- БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА АГРОСАНОАТ МАЖМУАСИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ИСТИҚБОЛЛАРИ.	
3.1. Агросаноат мажмуасини ривожлантиришда хорижий мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиш йўналишлари.....	37
3.2. Агросаноат мажмуаси бўйича давлат сиёсати ва уни такомиллаштириш йўллари.....	43
ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР.....	52
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	59

КИРИШ.

Мавзунинг долзарблиги. Ҳар қандай давлатнинг иқтисодиёти маълум тармоқ, соҳа ва хизматлар йиғиндисидан иборатдир. Ушбу тармоқ, соҳа ва хизматлар ичида агросаноат мажмуаси энг асосий соҳалардан бири бўлиб, инсониятнинг ҳаёти, турмуш даражаси кўп жиҳатдан унинг ривожланиши билан белгиланади. Агросаноат мажмуасида инсонлар учун ҳаёт манбаи ҳисобланган озиқ-овқат, кийим кечак, саноатнинг кўплаб тармоқлари учун хомашё маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Бошқача қилиб айтганда, инсонларнинг ҳаёти билан бевосита боғланган соҳа ҳисобланади. Ушбу соҳанинг инсонлар ҳаёти билан бевосита боғлиқлиги уни ривожлантириш билан боғлиқ қатор заруратларни келтириб чиқаради. Шу туфайли агросаноат мажмуасини ривожланишини таъминлайдиган билимларни ўрганиш зарурати туғилади. Натижада бошқа иқтисодий фанлар қаторида агросаноат мажмуаси иқтисодиёти ҳам шаклланиб, ривожланиб келмоқда.

Мамлакат агросаноат мажмуасининг халқаро алоқларини ривожлантириш, дунё мамлакатлари таржибалари ва илғор технологияларидан оқилона фойдаланиш катта ижобий амалий аҳамиятга эга. Бугунги кун дунё давлатлари тараққиёти шу даражага етдики уларнинг ўзаро боғлиқлиги алоҳида олинган давлат иқтисодиётининг натижаларида тобора кўпроқ салмоққа эга бўлмоқда. Мамлакатлараро, дунё иқтисодиётида интеграциялашув жараёни кучайиб кетди. Бу ўз навбатида дунёда мавжуд илғор техника ва технологиялардан, молиявий ресурслардан кенгрок фойдаланишни талаб қилади. Шунингдек, Ўзбекистон халқлари иқтисодиётнинг тармоқларини жумладан, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш борасида кўп асрлик билим ва катта тажрибага эга. Дунё давлатларида мавжуд, биз учун манфаатли билим ва тажрибаларни ўрганиш, олиб келиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш иқтисодий ўсишнинг асосий талабларидан биридир. Шу билан биргаликда юртимизда мавжуд билим,

тажриба ва технологияларни тарғиб қилиш ва дунёга тарқатиш зарурати ҳам мавжуд.

Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, танланган битирув малакавий иши мавзуси долзарблиги билан ажралиб туради.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Иқтисодий таҳлил, таққослаш, анализ ва синтез, аниқ илғор тажрибаларни ўрганиш ва бошқа усуллар ҳисобланади.

Ишда қўйилган саволларни ёритишда фермерлик ҳаракати тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, давлат дастурлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Президент Фармонлари ва қарорлари, асарлари ва маърузалари, бир қатор иқтисодчи олимлар, жумладан, Жалилов Х.М., Усманов С.Н., Ким В.В., Хусанов Р.Х., Ғуломов С.С., Лапкин К.И., и.ф.д., профессорлар Қаюмов Ф.Қ., Абдуғаниев А.А., Хасанжанов Қ.С., Жўраев А., Хусанов М., Шокиров А., Юсупов Э., Хушматов Н., Ҳамдамов Қ.С., доцентлар Махмадиев У., Гаврилюк Л., Огуреева Г.А., Зиявутдинов Ш., Исмаилова Ф., Холботирова У., Галиев Б., Ким В.М., Турсунхўжаев Т.Л., Тўрахўжаев Т.И., Рахимов Б.Р., Рахимов С.Б., Абдуллаев Б.М., Мирзажонов М.Қ., Муртозаев О., Маматвалиев Т., Арипов М., Арипов И.М., Ўроқов Н.И., Худойбердиев Ў ва бошқалар томонидан яратилган иқтисодий адабиётлар, дарслик ва ўқув қўлланмалардан, статистик маълумот ва ҳисоботлардан фойдаланилди.

Мавзуни ўрганишнинг услубий асослари Қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ислохотларни босқичма-босқич чуқурлаштириш, қишлоқдаги мулкдорлар ва тадбиркорларнинг аҳамиятини ошириш, фермерлар ҳаракатини қўллаб-қувватлаш ва улар фаолиятини янада ривожлантириш давр талаби бўлиб қолмоқда. Шунинг учун ҳам ушбу мавзу бўйича қилинган илмий-тадқиқот ишлари, магистрлик диссертациялари ва битирув малакавий ишлари етарли эмас деб, бугунги кун талабаларидан келиб чиқиб, қўйилган саволларга жиддийроқ ёндашишга ҳаракат қилинди.

Ишининг мақсади ва вазифалари. Қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ислохотларни чуқурлашиб бораётган ҳозирги даврида агросаноат мажмуаси тизимини ҳар томонлама билган ҳолда, Агросаноатнинг субъектлари бўлмиш агрофирмалар, ангробирлашмалар, деҳқон ва фермер хўжаликлари фаолиятини ўрганиш, уларнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш, тизимни давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича тегишли таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Ишнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- Агросаноат мажмуасида олиб борилаётган иқтисодий ислохотларнинг мазмун ва моҳиятини англаш ҳамда тушуниш;
- тизимда ечими кутаётган ва кечиктириб бўлмайдиган муаммо ва масалаларни ўрганиш, илмий ёндашиш, умумий хулосалар чиқариш;
- Агросаноат тушунчаси, унинг мазмуни ва таркибини назарий жиҳатдан ўрганиш ва асослаш;
- Агросаноат мажмуасини ривожлантириш бўйича хорижий мамлакатлар тажрибасини чуқур ўрганиш ва баён этиш;
- тизимни тартибга солишнинг ҳуқуқий асосларини ўрганиш ва амалий аҳамияти ошириш;

Агросаноат мажмуасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизми ва уни амалга ошириш шакллари ҳамда усуллари бўйича олиб борилаётган ишларни ўрганиш, таҳлил натижаларига асосланиб тегишли тавсиялар бериш.

Тадқиқот объекти ва предмети. Агросаноат мажмуаси ўз ўрганиш объектлари ва предметиға эга. Агросаноат мажмуасининг объекти сифатида тармоқда юз бераётган ўзгаришлар, улардаги ишлаб чиқариш омиллари: меҳнат ресурслари, ер ва сув фонди, асосий ишлаб чиқариш воситалари ва тадбиркорлик имкониятларидан самарали фойдаланиш йўллари тадқиқ этиш ҳисобланади.

Агросаноат мажмуасининг предмети сифатида иқтисодий қонунларнинг агросаноат мажмуасига кирувчи тармоқларида амал қилишининг ўзига хос томонларини ўрганиш ҳисобланади.

Битирув малакавий ишнинг илмий ва амалий аҳамияти. Битирув малакавий ишида қишлоқ хўжалигини модернизациялаш шароитида агросаноат мажмуасининг ўзига хос шакл сифатидаги амал қилиш хусусиятлари ҳамда мамлакат қишлоқ хўжалигини янада ривожлантиришга таъсирининг назарий асослари такомиллаштирилди. Хусусан:

- агросаноат мажмуасининг таркиби ва унинг мамлакат иқтисодиётида тутган ўрни атрофлича очиб берилди;

- агросаноат мажмуаси тушунчаси унинг мазмуни ва таркиби ҳамда тизимни тартибга солишнинг ҳуқуқий, ташкилий-иқтисодий асосларини такомиллаштириш бўйича илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқилди;

- Ўзбекистонда агросаноат мажмуасини қўллаб-қувватлаш механизмининг амал қилиш ҳолати таҳлил қилинди;

- агросаноат мажмуасини ривожлантириш йўллари ва хорижий ривожланган мамлакатлар тажрибаси атрофлича ўрганиб чиқилди;

- агросаноат мажмуаси бўйича давлат сиёсати ва уни такомиллаштириш йўналишлари очиб берилди;

Битирув малакавий иши таркиби. Иш кириш, уч боб, олтита савол, хулоса ва таклифлар ҳамда фойдаланилган адабиётлардан иборат бўлиб, унинг хажми ____ бетни ташкил этади.

Биринчи боб – “Ўзбекистонда агросаноат мажмуасини ташкил этиш ва шакллантириш асослари” деб номланиб, унда агросаноат мажмуасининг таркиби ва унинг мамлакат иқтисодиётида тутган ўрни, Агросаноат тушунчаси, унинг мазмуни ва таркиби, Агросаноат мажмуасини ривожлантириш йўллари ва хорижий ривожланган мамлакатлар тажрибаси каби масалалар назарий жиҳатдан ёритиб берилган.

Иккинчи боб – “Республикада агросаноат мажмуасини давлат томонидан ва қўллаб – қувватлаш ва тартибга солиш ҳолати” да тизимни

тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари, Ўзбекистонда Агросаноат мажмуасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизми ва уни амалга ошириш шакллари ҳамда усуллари, АСМ бўйича давлат сиёсати ва уни такомиллаштириш йўллари Агросаноатнинг субъекти бўлган фермер хўжаликлари мисолида амалий жиҳатдан ўрганилган ва таҳлил қилинган.

Ишнинг якуний учинчи боби - “Ўзбекистонда агросаноат мажмуасини қўллаб-қувватлаш истикболлари”га қўйилган саволлар ва ўрганилган масалалар юзасидан тегишли умумий хулосалар чиқарилиб, Агросаноат мажмуаси тизими фаолиятини янада ривожлантириш, тизимни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизми ва уни амалга ошириш шакллари ҳамда усуллари бўйича таклифлар ишлаб чиқилган ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхати келтирилган.

I-БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА АГРОСАНОАТ МАЖМУАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ШАКЛЛАНТИРИШ АСОСЛАРИ

1.1. Агросаноаттушунчаси, унинг мазмуни ва таркиби.

Агросаноат деганда қишлоқ хўжалиги соҳасида олиб борилаётган бизнес тушунилади ва у бозор иқтисодиётининг таркибий қисмларидан бирини ташкил этади. Кенг маънода, қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ бўлган бизнес турлари киради. Агросаноат ривожланган бозор иқтисодиётига хос бўлиб, таркибан унга қишлоқ хўжалигининг ўзидаги, шу соҳа маҳсулотини қайта ишлаш ва истеъмолга етказиб бериш билан боғлиқ бўлган тадбиркорлик фаолиятлари киради. **Агросаноатнинг мақсади** бозорни керакли маҳсулотлар билан узлуксиз ва тўла-тўқис таъминлаш орқали фойда кўришдан иборат. **Агросаноат иштирокчилари** – тадбиркор фермерлар, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш билан шуғулланувчи саноат тадбиркорлари, шу маҳсулотни сотиш билан шуғулланувчи тижоратчилардир. Булардан ташқари, Агросаноат доирасига банклар, суғурта ва молия компаниялари ҳам тортилади. Агросаноат илгарлари қишлоқ хўжалиги билан чекланса, кейинчалик у агросаноат интеграцияси натижасида агросаноат мажмуасини қамраб олди. Агар дифференциация саноатнинг қишлоқ хўжалигидан ажралиши бўлса, интеграция уларни бири-бирига чирмашиб кетиши ёки уларнинг синтезидир. Бундай ходиса қишлоқ хўжалиги ҳамда машиналашган ишлаб чиқариш асосига кўчган, қишлоқда ҳам техника революцияси қулоч ёзган шароитда юз беради.

Илғор технологияли ишлаб чиқаришда вертикал интеграция юз беради, яъни қишлоқ хўжалиги ўзидан юқоридаги аносат тармоқлари билан бирика бошлайди. Қишлоқ хўжалиги ўзининг маҳсулотини қайта ишловчи ва сотувчи соҳалар билан, шунингдек, ўзига керакли моддий ресурсларни етказиб берувчи соҳалар билан интегрциялашади. Айтилган соҳалар яхлитликда амал қила бошлайди, қишлоқ хўжалиги ҳам саноат асосига, яъни энг мукаммал технология замирига кўчирилади. Меҳнат унумдорлиги кескин ошиб, Агросаноатдан фойда кўпаяди. Агросаноат фаолияти биринчи

навбатда, аҳолини етарли миқдорда сифатли озиқ-овқат билан, саноатни эса кафолатланган тарзда хом ашё билан таъминлайди. Мана шу шарт бажарилганда фойда кўрилади. Агросаноат гуллаб-яшнаши учун у амал қилувчи соҳаларга катта инвестиция сарфланади, фан-техника ютуқлари жорий этилади. Агросаноат МДХ давлатлари каби Ўзбекистонда ҳам мавжуд бўлиб, у агросаноат мажмуаси асосида ривож топади.

Агросаноатнинг бирламчи бўғини – бу **фермер ва деҳқон хўжаликлари** ҳисобланади ва уларда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари яратилади. Бу хўжаликлар ўз ерида ёки ижарага олинган ерларда фаолият юритиб, кўп ҳолларда ўзи ва оила аъзолари ҳамда ёлланма меҳнат билан биргаликда қўлланилишига асосланади. Фермер хўжалиги кичик бизнес намояндасидир. Ривожланган бозор иқтисодиёти шароитида оилавий фермер хўжаликлари кенг тараққий этади. Улар юксак даражада ихтисослашган ва замонавий фан-техника ютуқлари таянган хўжалик ҳисобланади, улар юксак меҳнат унуми ва сифатли маҳсулотни таъминлашга қодир бўлади. Фермер хўжалигини яшовчанлиги унинг афзаллигидадир. Бу хўжаликнинг самарадорлиги, бинобарин, афзаллиги қуйидагилар билан изоҳланади:

1. Фермер хўжалигида меҳнат мулк бевосита қўшилади, фермер ўз мулкида ўз меҳнати билан ишлайди. Ёлланма меҳнат қўшимча аҳамиятга эга. Фермер ўзи учун ишлайди.

2. Фермер хўжалиги мутлақомустақил. Бирон бир тарзда монополлашмаган хўжалик, унинг фаолиятини бозор қонунлари бошқаради.

3. Фермер хўжалигида тадбиркорлик ва меҳнат функцияси узвий қўшлади. Бу ерда ишбилармонлик ва меҳнатсеварлик биргаликда амал қилганидан иқтисодий манфаат ва масъулият ягона фаолиятнинг икки томонини ташкил этади.

4. Фермер хўжалиги тадбиркорлик фаолиятининг бир тури бўлгани учун у давлат ёрдамига ҳам таянади.

5. Фермер учун унинг хўжалиги фақат даромад манбаи эмас, унинг уйи, оиласи истиқомат қиладиган жой унинг ишонган таянчи. У ўз хўжалигини ўта кадрлаши сабабли унинг ривожини учун ўз меҳнатини аямайди.

Бу афзалликлар туфайли фермернинг ўз меҳнати ёлланма меҳнатга нисбатан юқори самара беради. Шу сабабли иқтисодий ривожланган мамлакатларда фермер меҳнат устивор аҳамиятга эга. Масалан, АҚШда фермер хўжаликларида жами ишлаганларнинг 33,5 фоизи ёлланма ишчилар, қолган 66,5 фоизи фермерларнинг ўзи ва оила аъзолари ҳисобланади.

Фермер хўжалигини шакллантириш бозор иқтисодиётига ўтишнинг шартини ҳисобланганлиги боис, қишлоқ хўжалигини фермерлаштириш бозор ишловотининг таркибий қисми саналади. Ўзбекистонда фермерлаштириш жараёни, яъни ночор аҳволда қолган қишлоқ хўжалик корхоналарини фермерлар уюшмасига айлантириш ва улар таркибиди фермер хўжаликларини ташкил этиш, ишлаб турган хўжаликлари ҳисобидан фермер хўжалигини уюштириш 1990 йиллардан бошланди. Ўзбекистонда фермерлаштиришнинг хусусияти шундаки, фермер хўжалиги хусусий ердан эмас, балки давлат мулки бўлган ерда вужудга келди.

Бундай хўжаликларнинг ҳуқуқий асоси 1998 йилда қабул қилинган «Фермер хўжалиги» ва «Деҳқон хўжалиги» тўғрисидаги қонунлар ҳисобланади. Қонунда таъкидланишича, бундай хўжаликлар мустақил хўжалик субъекти ва тадбиркорлик шаклларида биридир. Мазкур қонун фермер ва деҳқон хўжаликларини ташкил этиш ва ривожлантиришни тартиблаб туради ҳамда қишлоқни фермерлаштиришга кенг йўл очади. Фермер хўжалиги қишлоқдаги асосий товар ишлаб чиқарувчи бўлиб, у агросаноат интеграциясида иштирок эади.

Агросаноатнинг яна турларидан бири – бу агрофирмаларидир. Агрофирма мўайян турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотини етиштириш ва уни саноат усулида қайта ишлашни қўшиб олиб борадиган корхонадир. Бу корхона истеъмолга тайёр бўлган маҳсулот яратади. Масалан, чорвачиликда сут етиштириш, уни қайта ишлаб, истеъмолга тайёр ҳолда келтириш билан

шуғулланади. Агрофирмаларда инвестиция ҳам қишлоқ хўжалиги, ҳам саноатга тааллуқли бўлади, ҳар икки соҳага хос ресурслар ишлатилади, ходимлар малакаси кенг бўлиб, улар саноат меҳнати билан ҳам шуғуллана оладилар. Агрофирмалар кичик оилавий хўжалик асосида ҳам ташкил топади. Бу ерда кичик хўжалик кичик завод билан бирикади.

Агросаноатнинг йириклашган тури – бу агросаноат бирлашмаларидир. Бундай бирлашма бир неча хўжалик ва корхоналар фаолиятини интеграциялаштиради. Бу ерда ишлаб чиқаришнинг бир неча ўзаро боғланган турлари, уларга хизмат кўрсатувчи ҳамда тижорат иши билан шуғулланувчи корхоналар бирлашади. Масалан, мевачилик ва сабзавотчилик билан шуғулланувчи хўжаликлар, улар маҳсулотини қайта ишловчи заводлар, цехлар, тайёр маҳсулотни сотувчи дўконлар, уларнинг ҳаммасига ресурс етказиб берувчи бўлинмалар бирлашмани ташкил этадилар. Фермер хўжалигидан фарқлироқ, бирлашмалар танҳо индивидуал хусусий мулкка асосланмайдлар. Бирлашма иштирокчиларининг мустақил индивидуал мулки билан биргаликда умумий жамоа-корпоратив мулки ҳам бўлади.

Агросаноат ишига фермер ассоциацияси (уюшмаси) ва иттифоқлари ҳам хизмат қилади. Улар кўнгилли ва пайчилик маблағига асосланган уюшма бўлиб, ўз аъзоларига хизмат кўрсатади, уларнинг манфаатини ҳимоя қилади.

1.2. Агросаноат мажмуасининг мамлакат иқтисодиётида тутган ўрни.

Агросаноат мажмуиси (АСМ) қишлоқ хўжалигининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, сақлаш, қайта ишлаш ва истеъмолчига етказиб беришда иштирок этадиган тармоқлари мажмуидан иборат.

Мамлакат агросаноат мажмуаси мураккаб таркибий тузилмага эга бўлиб, унинг таркиби 4 та соҳадан ташкил топади. Иқтисодчи олимлар агросаноат мажмуасининг таркиби бўйича бир хил фикрга эга эмаслар. Агросаноат мажмуасининг ташкилий-иқтисодий масалаларига бағишланган юзлаб илмий мақолалар, монографиялар эълон қилинган ва диссертациялар ёзилган. Айрим олимлар агросаноат мажмуасининг таркиби 6 та, айримлари эса 5 та, бир гуруҳи 4 та ва бошқа бировлари 3 та соҳадан иборат дейишган. Уларнинг

хар бири агросаноат мажмуасини таркибини илмий изланишнинг мақсади бўйича изоҳлаган. Агросаноат мажмуасининг таркибини илмий асарларда белгиланган таснифини бирортасини инкор қилмаган ҳолда унинг таркибини 4 та соҳага бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Бу соҳалар қуйидагилардир.

Биринчи соҳа. Агросаноат мажмуаси тармоқлари (тизими) учун ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқарувчи соҳа. Бу соҳага агросаноат мажмуаси учун машина, трактор, комбайн, станоклар, ишчи машиналар ишлаб чиқарадиган машинасозлик, маъданли ўғит ва химикатлар ишлаб чиқарувчи кимё саноати, чорвачилик учун омихта ем ишлаб чиқарувчи корхоналар, қишлоқ хўжалиги экинлари ва чорва моллари учун дори-дармон ишлаб чиқарувчи ихтисослашган корхоналар кабилар киради.

Иккинчи соҳа. Қишлоқ хўжалигининг ўзи. Бу соҳа агросаноат мажмуасининг асосини, ядросини ташкил этади ва мажмуанинг бошқа соҳасига кирувчи тармоқлар асосан шу тармоқ маҳсулотлари асосида фаолият юртадилар ёки хизмат кўрсатадилар. Қишлоқ хўжалиги ўз навбатида ўсимликчилик ва чорвачилик тармоқларига бўлинади. Бундан ташқари агросаноат мажмуасининг иккинчи соҳасига, пиллачилик, асаларичилик, қисман ўрмончилик (табiiй озиқ-овқат ва доривор ўсимликлар етиштириш) ҳамда балиқчилик киради.


Учинчи соҳа. Бу соҳа - қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрловчи, қайта ишловчи ва тайёр маҳсулотларни истеъмолчиларга етказиб берувчи тармоқлар йиғиндисидан иборат. Озиқ-овқат саноати, пахта заводлари, гўшт, сут заводлари, мева шарбатлари чиқарувчи заводлар, ёғ-мой заводлари, жунни, каноппи, пиллани қайта ишлаш заводлари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ёки уларни қайта ишлаш натижасида олинган маҳсулотларни сақлайдиган корхоналар, уларни сотиш билан шуғулланувчи корхоналар шу соҳанинг таркибини ташкил этади.

Тўртинчи соҳа. Бу соҳа - агросаноат мажмуаси инфратузилмасидан иборат. Агросаноат мажмуаси инфратузилмаси жуда мураккаб таркибга эга.

Шу билан биргаликда уларнинг айримлари ўз хизмат хусусиятига кўра ишлаб чиқариш ҳамда ижтимоий инфратузилма таркибига кириши мумкин. Шунга қарамасдан иқтисодий таҳлил қилишнинг, қарорлар қабул қилиш учун зурур сифатли маълумотларни олиш учун уни таснифлаш мақсадга мувофиқ. Инфратузилманинг ўзи иккига бўлинади. Биринчи қисми ишлаб чиқариш инфратузилмаси бўлса, иккинчи қисми ижтимоий инфратузилмадир. Мамлакат агросаноат мажмуасининг умумий кўринишини куйидагичаифодалашмумкин:

1.1-чизма.

Ўзбекистон Республикаси агросаноат мажмуасининг таркиби¹.



¹Абдуғаниев А., Абдуғаниев А. А. – Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти - (дарслик) - Т.: ТДИУ, 2010

Ана шу 4 та соҳага кировчи тармоқлар бирлашиб, мамлакатнинг ягона агросаноат мажмуасини ташкил этади. Агросаноат мажмуасининг таркиби жуда мураккаб бўлиб, у турли омиллар таъсирида даврлар ўтиши билан ўзгариб, такомиллашиб боради. Мамлакат иқтисодиётининг ривожланиши натижасида талаб ва таклиф асосида айрим тармоқлар, соҳалар йўқ бўлиб бошқалари шаклланади ва ривожланади. Агросаноат мажмуасининг таркибини ўзгаришига қишлоқ хўжалиги фаол таъсир кўрсатади. Мамлакат қишлоқ хўжалиги таркибида юз берадиган ўзгаришлар агросаноат мажмуаси таркибининг ўзгаришига олиб келади. Мамлакат агросаноат мажмуаси таркибига жаҳон бозорида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган конъюктуранинг ўзгариши ҳам таъсир кўрсатади. Чунки бозор қонуниятларига кўра ҳар бир давлат ишлаб чиқариш таркибини шакллантираётганда ўзининг абсолют ва нисбий устунлигини аниқлаб олиши лозим. Акс ҳолда рақобатда енгиледи ва бу кўплаб иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни юзага чиқаради. Шу сабабли қишлоқ хўжалигида доимий равишда ихтисослашиш жараёни такомиллашиб боради. Бу эса ўз навбатида мамлакат ёки ҳудуд агросаноат мажмуаси таркибини такомиллашишига олиб келади. Агросаноат мажмуасининг таркибининг ўзгаришига олиб келадиган сабаблардан яна бири табиий-иқлим шароитларида юз берадиган ўзгаришлардир. Табиий-иқлим шароитларнинг ўзгариши қишлоқ хўжалигининг ишлаб чиқариш таркибида ўзгаришлар юз беришини талаб қилади. Чунки минтақадаги табиий-иқлим шароити айрим қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни умуман ёки қисман чеклаб қўяди. Табиий-иқлим шароит қишлоқ хўжалигининг айрим маҳсулотларини етиштириш учун ноқулай бўлса бу муаммони иссиқхоналар ёрдамида ҳал этиш мумкин. Лекин бу маҳсулотларнинг таннархи нисбатан юқори бўлади ва бунинг иқтисодий натижаларга таъсири одатда салбий бўлади. Агросаноат мажмуасининг таркибига фан, техника ва технологиянинг таъсири ҳам катта. Фан, техника ва технологиянинг ривожланиши одатда мамлакат агросаноат мажмуаси таркибига ижобий таъсир кўрсатади. Иқтисодиётнинг ривожланиш

конуниятлари таъсирида агросаноат мажмуасининг таркиби такомиллашиб боради. Ўзбекистон Республикасида асосий эътибор агросаноат мажмуасининг биринчи соҳасининг имкон даражасида ривожлантиришга қаратиш мақсадга мувофиқ. Чунки Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалиги техникалари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган, сақлайдиган соҳаларга техникаларига талаб катта. Ҳозирги кунда республика агросаноат мажмуаси ушбу техникаларнинг салмоқли бир қисмини хориждан келтиришга мажбур бўлмоқда. Ушбу техникаларга бўлган талабнинг импортга қарамлиги мамлакат агросаноат мажмуасининг иқтисодий самарадорлигига таъсир кўрсатади.

Мамлакат иқтисодиётида агросаноат мажмуасининг аҳамияти ва ўрни жуда катта. Унинг ўрни энг аввало мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги салмоғи билан белгиланади. Бугунги кунда мамлакатда яратилаётган ялпи ички маҳсулотнинг 50 фоизидан кўпроғи агросаноат мажмуасида ишлаб чиқарилади. Мажмуанинг аҳамияти энг аввало унинг ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг қиммати билан белгиланади. Гап шундаки, агросаноат мажмуасининг охириги маҳсулоти инсонлар кундалик истеъмолига қаратилган озиқ-овқат ва инсонларнинг шахсий кийим-кечаклари, уй-рўзғор буюмлари ҳисобланади. Мамлакат агросаноат мажмуасида озиқ-овқатнинг 99 фоизидан кўпроғи етиштирилади. Мажмуа мамлакатнинг озиқ-овқат ҳавфсизлигини таъминлайди.

Республика агросаноат мажмуаси экспортбоп маҳсулотлар етиштиради ва мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш учун зарур бўлган қаттиқ валюта тушумини таъминлашда фаол қатнашади. Мамлакат иқтисодиётига тушаётган қаттиқ валюта иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришга, иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришлар қилишга, юрт ҳавфсизлигини таъминлашга, ижтимоий соҳаларни ривожлантириш мақсадларига сарфланади. Ҳозирда қаттиқ валютанинг 60 фоиздан кўпроғи шу мажмуа маҳсулотларини сотишдан тушади. 2005 йил натижаларига кўра

мамлакатнинг ташқи савдосидан тушган қаттиқ валютанинг 19 фоизидан кўпроғи пахта толасини сотишдан олинди.

Агросаноат мажмуаси мамлакатда мавжуд ижтимоий муаммоларни юмшатишда асосий ролни ўйнайди. Мажмуа аҳоли учун иш жойлари беради. Мамлакатда олиб борилаётган иқтисодий ислохотларнинг мақсадига тўхталиб Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов – “Саноат ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, кичик ва хусусий бизнес вакилларига кенг йўл очиб бериш, уларнинг олдидаги тўсиқ-қовларни олиб ташлаш, ижтимоий муаммолар, айниқса, ишсизлик масаласига алоҳида эътибор қаратишимиз зарур”² деган эди.

Ўзбекистон Республикаси аҳолиси 2008 йилнинг 1 январ ҳолатига 27,4 млн. кишини ташкил этди. Мамлакат аҳолисининг ўртача ёши нисбатан ёш ҳисобланади. Аҳолининг 60 фоизидан кўпроғи ўсмир ва ёшларни ташкил этади. Бу ҳолат мамлакат иқтисодиёти олдида янги муаммоларни келтириб чиқаради. Чунки нисбатан ёш аҳолига эга бўлиш аҳолининг табиий ўсига нисбатан меҳнат ресурсларининг тез ўсишига олиб келади. Масалан, республика аҳолисининг табиий ўсиши 2000-2005 йилларда йилига ўртача 1,27 фоизни ташкил этган ҳолда меҳнат ресурслари шу йиллари ичида 2,3 фоизга ошган. Натижада аҳолининг меҳнат ёшига тўлганларини иш билан таъминлашни яхшилаш зарурати туғилади. Ўзбекистон Республикаси меҳнат ресурсларининг иқтисодиётда банд бўлганларининг 75 фоизига яқини агросаноат мажмуасида ишлайди.

Мамлакат иқтисодиётидаги асосий тармоқлар шу мажмуага кирганлиги сабабли асосий фондларнинг (активларнинг) катта қисми агросаноат мажмуасида фалоият кўрсатади. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг жуда катта ресурслари агросаноат мажмуаси тармоқларида жойлашганлиги унинг аҳамиятини янада оширади. Бу ресурсларни такрор ишлаб чиқариш, мамлакат агросаноат мажмумасининг ривожланиши, аҳолининг турмуш


²Каримов Ислоом. Ватанимизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги ўз қудратимизга, халқимизнинг ҳамжиҳатлиги ва букулмас иродасига боғлиқ. -Т.: “Ўзбекистон”, 2004.-32 б.

даражасини ошириш тўғридан-тўғри шу мажмуанинг фаолияти билан боғлиқ. Ўзбекистон Республикаси агросаноат мажмуасининг фаолияти самарали бўлса, халқнинг турмуш даражаси юқори бўлади ёки аксинча. Шу сабабли агросаноат мажмуасини ривожлантириш республика иқтисодиётининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган.

Республика агросаноат мажмуаси мустақиллик йилларида чуқур таркибий, ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий ислохотларни бошдан кечирди. Олиб борилган ислохотлар натижасида бозор муносабатлари ривожлана бошлади. Бозорнинг таркибининг шаклланиши кўплаб омилларга боғлиқ. Жамладан, мулк шакли ва хўжалик юритиш усуллари, товар ишлаб чиқарувчилар ва уларни истеъмол қилувчилар сони, баҳоларни назорат қилиш даражаси, тармоққа кириш ва чиқишда қўйиладиган тўсиқлар, муносабатларнинг ривожланганлик даражаси, давлат сиёсати ва бошқалар бозорнинг таркибига таъсир кўрсатади. Агросаноат мажмуаси бозори таркиби қуйидагича ифодаланади.

Иқтисодий адабиётларда бозорнинг амал қилиш механизмлари, унга давлатнинг аралашуви даражасига қараб уч турдаги бозор типи фарқланган. Буларга: ривожланмаган бозор; эркин бозор ва тартибга солиниб туриладиган бозорлар киради. Ривожланмаган бозор – бу бозорда олди-сотди жараёнлари кучли ривожланмаган, одатда оддий товар айрибошлаш жараёни юз беради.


Бу бозорда товарларнинг натурал айрибошланиши (бартер) кўпроқ амалга оширилади. Бу бозор тўйинмаган ҳисобланади. Эркин бозор – бу рақобатли бозор ҳисобланади. Бу бозорда жуда кўплаб кичик ва катта товар ишлаб чиқарувчилар иштирок этади ва уларнинг бирортаси ушбу товар нархини ўзгартиришга сезиларли таъсир эта олмайди. Товарлар эркин сотилади. Амалиётда бундай бозорлар кам учрайди. Тартибга солиб туриладиган бозор – бу бозорнинг фаолиятига ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий чора-тадбирлар билан давлат аралашиб (тартибга солиб) туради.

Агросаноат мажмуаси бозори таркиби³.

Ўзбекистон Республикаси бозор муносабатларига ўтиш жараёнида давлат асосий ташаббускор тамойилига амал қилмоқда. Республикада қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозори тез ривожланиб бормоқда. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари хом ашёси ва озиқ – овқат бозорини таркибини қуйидагича ифодалаш мумкин. (1.3-чизма)

³ Абдуганиев А., Абдуганиев А. А. – Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти - (дарслик) - Т.: ТДИУ, 2010

**Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари хом ашёси ва
озиқ – овқат бозорини таркиби⁴**



Ўзбекистон Республикаси бозор муносабатларига ўтиш жараёнида давлат асосий ташаббускор тамойилига амал қилмоқда. Республикада қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозори тез ривожланиб бормоқда. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари хом ашёси ва озиқ – овқат бозорини таркибини қуйидагича ифодалаш мумкин. (1.3-чизма)

⁴Абдуғаниев А., Абдуғаниев. А. – Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти - (дарслик) - Т.: ТДИУ, 2010

II-БОБ. АГРОСАНОАТ МАЖМУАСИНИ КОМПЛЕКС РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ТАДБИРЛАР ТАҲЛИЛИ

2.1. Агросаноат мажмуаси корхоналарини модернизациялаш ва диверсификациялаш бўйича ҳудудий ривожланиш дастурлари ва уларни бажарилиши таҳлили.

Республикаимиз аграр тармоғида амалга оширилаётган туб иқтисодий ислохотлар ва таркибий ўзгаришлар натижасида ўтган 2000–2016 йиллар оралиғида қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг ўртача йиллик ўсиш суръатлари ошиб бориш динамикасига эга бўлди. Хусусан, бу кўрсаткич 2000 йилдаги 103,1 фоиздан 2016 йилда 106,6 фоизга ошди.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот таннархини камайтириш, юқори самарадорликка эришиш ва қишлоқ аҳолиси турмуш даражасини оширишда молиявий маблағларнинг тутган муҳим аҳамият касб этади.

Иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш, корхоналарнинг инвестиция фаолиятини жадаллаштириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта қуроллантириш дастурларини амалга оширишда хорижий инвестициялар, аввало, тўғридан-тўғри инвестицияларнинг ўрни беқиёсдир. Бунда илғор технологияларни татбиқ этиш, янги иш ўринлари яратиш ва шу асосда мамлакат иқтисодиётининг барқарор ва бир маромда ривожланишини таъминлаш имконияти яратилади. Ривожланган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, чет эл инвестицияси жалб қилиниши мазкур давлатларнинг юксак даражада тараққий этишида ҳал қилувчи омиллардан бири бўлиб келади. Шу сабабли, 2010 йилнинг 15 декабрида Республикаимиз Президентининг саноатни барқарор, жадал ва мутаносиб равишда ривожлантириш, асосий агросаноат тармоқларини диверсификация қилишга ва экспорт салоҳиятини ўстиришга йўналтирилган таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, агросаноат тармоқлари, комплекслари ва корхоналарини модернизация қилиш, ишлаб

чиқаришни техник ва технологик янгилаш асосида уларнинг самарадорлиги ҳамда рақобатдошлигини янада ошириш мақсадида ПҚ-1442-сонли “2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди. Ушбу қарорда агросаноат тармоқларини ривожлантиришнинг комплекс дастури ва модернизация қилиниши, техник ва технологик янгиланиши, янгидан барпо этилиши кутилаётган йирик инвестицион лойиҳалар акс этган бўлиб, ушбу лойиҳаларнинг амалга оширилиши куйидаги вазифаларни ҳал этиш имкониятини берди:

- Республикамиз агросаноат корхоналари маҳсулотининг рақобатбардошлигини ошириш, республика саноати ва, умуман, иқтисодиётини ривожлантиришнинг жаҳон конъюнктурасидаги ўзгаришларга боғлиқлигини камайтириш мақсадида норматив кўрсаткичлар ва тарифларнинг барқарорлигини таъминлаш;

- агросаноат корхоналарини кенг миқёсда модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, уларни энг замонавий юқори технологик ускуналар билан жиҳозлаш, агросаноат тармоқларида замонавий илмий ютуқлар ва илғор инновация технологияларини жадал татбиқ этиш, агросаноат учун юқори малакали кадрлар тайёрлашни кенгайтириш;

- ишлаб чиқаришни Диверсификация қилиш, маҳаллий хомашёни чуқур ва сифатли қайта ишлаш негизида экспорт салоҳиятининг барқарор ўсиб боришини, экспортга мўлжалланган рақобатдош агросаноат маҳсулоти ишлаб чиқаришни кўпайтиришни, уларни сотиш бозорлари кенгайтирилишини таъминлаш;

- ички агросаноат кооперацияси ва ишлаб чиқаришнинг маҳаллийлаштирилишини янада ривожлантириш, агросаноат тармоқларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш, агросаноат корхоналарини мамлакатнинг барча минтақаларида жойлаштириш ва шу асосда импорт ўрнини босадиган маҳсулот ишлаб чиқарилишини, янги иш жойлари яратилиши ҳамда

аҳолининг иш билан бандлиги ўсишини, одамларнинг даромадлари ва турмуш даражаси янада ошиб боришини таъминлаш;

- меҳнат унумдорлигини ўстириш, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини изчил пасайтириш, энергия ва ресурсларни тежайдиган замонавий технологияларни жорий этиш, ишлаб чиқаришни ташкил қилишни такомиллаштириш ҳисобига агросаноат корхоналари ишлаб чиқариши самарадорлигини муттасил ошириб бориш;

- агросаноат корхоналари маҳсулотини ишлаб чиқаришда унинг ташқи бозордаги рақобатдошлигини таъминлайдиган халқаро сифат стандартлари ва техник регламентларни тизимли тарзда татбиқ этиш ва б.

Юқоридаги вазифаларни амалга ошириш мақсадида озиқ-овқат саноатини ривожлантириш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, қайта ишлаш, уларнинг истеъмолчиларга талофатларсиз етиб боришини таъминлаш борасида хўжалик юритувчи субъектларга ташкилий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий тадбирлар, турли хилдаги имтиёз ва преференциялар тақдим этилди.

Олиб борилган тизимли ишлар ва оқилона инвестиция сиёсати туфайли ўтган йилларда ўнлаб замонавий корхоналар ишга туширилди.

Жумладан, Республикамиз бўйича 2016 йилда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизимида хорижий инвестициалар асосида 10 та йирик лойиҳа амалга оширилди. (2.1-жадвал).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 25 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2016йилги Инвестиция дастури тўғрисида”ги ПҚ-2458-сонли қарори асосида Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизимида 13 та лойиҳа бўйича 128,27 млн АҚШ доллари миқдоридаги маблағни ўзлаштириш режалаштирилган.

2.1-жадвал

2016 йилда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизимида амалга оширилган хорижий инвестиция лойиҳалари⁵

Номи	2015 йилда	2016 йилда	2016 йилда 2015 йилга нисбатан, %
Тижорат банкалари орқали фермер хўжаликлари ва тадбиркорларни кредит маблағлари билан қайта кредитлаш.(млн АҚШ долл.)	26.1	113.0	432.9
Насос станцияларини қайта таъмирлаш,дона	2	8	400.0
Янги насос агрегатлар ўрнатиш,дона	18	43	238.8
Ерларни кафолатли сув билан таъминлаш,минг гектар	16.4	78.1	446.2
Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, минг гектар	21.1	48.0	227.5
Мева-сабзавотчилик йўналиши лойиҳалари асосида янги иш ўринлар яратиш,минг киши	1.3	2.5	192.3
Интенсив мевали боғларлар яратиш, минг гектар	0.3	3.2	10.7 баробар
Фермер хўжаликлари ва тадбиркорлар томонидан янги иссиқхоналар қуриш, гектарда	110.4	61.2	55.4
Музлаткичи-омборхоналар қуриш,минг тонна хажмли	27.8	98.5	354.3
Қайта ишлаш корхоналари ташкил этиш, минг тонна қувватга эга	15.0	114.0	7.6 баробар

Ҳукумат кафолати остида амалга оширилаётган мазкур лойиҳалар бўйича 2016 йилда 150,04 млн АҚШ доллари (117%) миқдорида иш бажарилган.⁶

1. “Навоий вилоятидаги “Навоий” ва “Учқора” насос станцияларини реконструкция қилиш” лойиҳасининг умумий қиймати 38,26 млн АҚШ долларига тенг бўлиб, Франция Ҳукуматининг кредит маблағи 18,75 млн долларни, Ўзбекистон ҳукуматининг улуши эса 19,51 млн долларни ташкил этади. 2016 йилда 8,9 млн доллар миқдоридаги маблағ ўзлаштирилиши кўзда тутилган бўлиб, амалда бу кўрсаткич 101,8 фоизга бажарилди.

⁵Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг ахборот хизмати материаллари асосида тайёрланди

⁶Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг ахборот хизмати материаллари асосида тайёрланди

2. “Наманган вилоятидаги “Кукумбой” насос станциясини реконструкция қилиш” лойиҳасининг умумий қиймати 11,41 млн АҚШ долларига тенг бўлиб, Хитой ҳукуматининг кредити 3,89 млн долларни, Ўзбекистон ҳукуматининг улуши эса 7,52 млн долларни ташкил этади. 2016 йилда 2,19 млн доллар миқдоридаги маблағ ўзлаштирилиши кўзда тутилган бўлиб, амалда бу кўрсаткич 100 фоизга бажарилди.
3. “Навоий вилоятидаги “Кенимех-1” насос станциясини реконструкция қилиш” лойиҳасининг умумий қиймати 19,66 млн АҚШ долларига тенг бўлиб, Хитой ҳукуматининг кредити 5,041 млн долларни, Ўзбекистон ҳукуматининг улуши 14,62 млн долларини ташкил этади. 2016 йилда 3,63 млн доллар миқдоридаги маблағ ўзлаштирилиши кўзда тутилган бўлиб, амалда бу кўрсаткич 100 фоизга бажарилди.
4. “Хоразм вилоятидаги Тошсоқа тизимидаги магистрал суғориш каналларини қайта тиклаш” лойиҳасининг умумий қиймати 144,2 млн АҚШ долларига тенг бўлиб, 90,37 млн доллари Ислон Тараққиёт Банки кредити, қолган қисми эса Ўзбекистон ҳукуматининг улушидир. 2016 йилда 4,8 млн АҚШ доллари миқдоридаги маблағ ўзлаштирилиши кўзда тутилган бўлиб, амалда 4,85 млн АҚШ доллари (101%) миқдоридаги маблағ ўзлаштирилди.
5. “Аму-Бухоро машина канали тизимини қайта тиклаш” лойиҳасининг умумий қиймати 406,29 млн АҚШ долларига тенг бўлиб, Осиё Тараққиёт Банки кредити 216,75 млн долларни, Япониянинг ЖИСА фондининг маблағи 108,97 млн долларни, Ўзбекистон ҳукуматининг улуши эса 80,57 млн долларни ташкил этади. 2016 йилда 2,59 млн АҚШ доллари миқдоридаги маблағ ўзлаштирилиши кўзда тутилган бўлиб, амалда 2,62 млн доллар (101,2%) миқдоридаги маблағ ўзлаштирилди.
6. “Жанубий Қорақалпоғистонда сув ресурсларини бошқаришни яхшилаш” лойиҳасининг умумий қиймати 376,714 млн АҚШ долларини ташкил этиб, шундан 115,924 млн доллари Ўзбекистон ҳукуматининг улуши ва 260,79 млн доллари Жаҳон банкининг қарз маблағларидир. 2016 йилда 10,22 млн АҚШ

доллари миқдоридаги маблағ ўзлаштирилиши кўзда тутилган бўлиб, амалда 10,22 млн доллар (100%) миқдоридаги маблағ ўзлаштирилди.

7. “Ирригация тизимлари ҳавза бошқармаларини каналлар ва коллекторларни тозалашучун экскаватор ва бульдозерлар билан таъминлаш” лойиҳасининг умумий қиймати 14,22 млн АҚШ долларини ташкил этиб, шундан 3,16 млн доллари Ўзбекистон ҳукуматининг улуши ва 11,06 млн доллари Хитой ҳукумати қарз маблағларидир. 2016 йилда 9,06 млн АҚШ доллари миқдоридаги маблағ ўзлаштирилиши кўзда тутилган бўлиб, амалда 9,06 млн доллар (9,06%) миқдоридаги маблағ ўзлаштирилди.

8. “Сурхондарё вилоятида сув ресурсларини бошқаришни яхшилаш (Хазарбоғ-Оққопчиғай каналлар тизимини қайтатиқлаш)” лойиҳасининг умумий қиймати 122,72 млн АҚШ долларини ташкил этиб, шундан 33,17 млн доллари Ўзбекистон ҳукуматининг улуши ва қолган қисми Ислом тараққиёт банкининг қарз маблағларидир. 2016 йилда 0,28 млн АҚШ доллари миқдоридаги маблағ ўзлаштирилиши кўзда тутилган бўлиб, амалда 0,28 млн доллар (100%) миқдоридаги маблағ ўзлаштирилди.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 22 июлдаги 3-сонли баёни топшириғига асосан лойиҳанинг нархи тупроқ ишлари ҳисобига (263,7 млн доллардан 213,6 млн долларгача) оптималлаштирилди ва 2 босқичга бўлиниб, 25 августда Вазирлар Маҳкамасида презентация қилинди. Ҳозирда лойиҳанинг ушбу оптималлаштирилган ТИАси Жаҳон банки томонидан кўриб чиқилмоқда ва Директорлар кенгаши тасдиғига 2017 йилнинг бошида киритилиши кутилмоқда.

10. “Қашқадарё вилоятидаги “Дўстлик 1-2-3” насос станциясини қуриш” лойиҳасининг умумий қиймати 21,23 млн АҚШ долларини ташкил этиб, шундан 14,2 млн доллари Ўзбекистон ҳукуматининг улуши ва қолган қисми Хитой Халқ Республикаси ҳукуматининг қарз маблағларидир. Лойиҳа бўйича 2016 йилда 2,32 млн АҚШ доллари миқдоридаги маблағ ўзлаштирилиши кўзда тутилган бўлиб, амалда 2,32 млн доллар (100%) миқдоридаги маблағ ўзлаштирилди.

11. “Қишлоқ хўжалиги корхоналарини қўллаб-қувватлаш. ИИ-босқич” лойиҳасининг умумий қиймати 131,65 млн АҚШ долларини ташкил этиб, шундан 103,42 млн доллари Жаҳон Банки қарзи, 11,98 млндоллари Ўзбекистон ҳукуматининг улуши, қолган қисми эса бенифициарларнинг улушидир. 2016 йилда 10,1 млн АҚШ доллари миқдоридаги маблағ ўзлаштирилиши кўзда тутилган бўлиб, амалда 10,1 млн доллари (100%) миқдоридаги маблағ ўзлаштирилди.

12. “Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчилик тармоғини ривожлантириш” лойиҳасининг умумий қиймати 219,28 млн АҚШ долларини ташкил этиб, шундан 150,0 млн доллари Халқаро тараққиёт ва тикланиш банки улуши, 34,20 млн доллари Ўзбекистон ҳукуматининг улуши, қолган қисми эса лойиҳа ташаббускорларининг улушидир. 2016 йилда 67,6 млн АҚШ доллари миқдоридаги маблағ ўзлаштирилиши кўзда тутилган бўлиб, амалда 90,0 млн доллар (133,1%) миқдоридаги маблағ ўзлаштирилди.

13. “Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчилик тармоғини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш” лойиҳасининг умумий қиймати 28,33 млн АҚШ долларини ташкил этди.

Бугунги кундаги муҳим масалалардан бири Агросаноат мажмуаси корхоналарига жалб қилинган инвестиция маблағидан унумли фойдаланиш, яъни, инвестиция маблағидан фойдаланишни такомиллаштириш, қурилиш объектларининг муддатини қисқартириш, инвестиция маблағини долзарб лойиҳага сарфлаш, қурилиш объектлари таннарини пасайтириш, юқори малакали кадрлар, фан-техника, илғор тажриба ютуқларидан фойдаланиш, ижтимоий ривожланишни тезлатишдан иборатдир.

Фарғона вилоятида ҳам сўнги йилларда барча соҳаларда белгиланган Дастурлар доирасида муҳим вазифаларни бажарилишини таъминлаш, рақобатбордош ва бозор талабларига мос бўлган сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни янада кенг йўлга қўйиш, экспорт салоҳиятини ошириш, ички истеъмол бозорини арзон ва сифатли бўлган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан тўлдириш, нарх-навонинг барқарорлигини таъминлаш

ҳамда пировардида аҳолининг реал даромадларини ошириш борасида белгиланган чора-тадбирлар асосида кенг кўламли ишлар олиб борилган. Жумладан, 2016 йилда ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми амалдаги баҳоларда 4032,4 млрд. сўмга ёки 2015 йилга нисбатан 106,2 % га кўп бажарилган. Ишлаб чиқарилган маҳсулотларни 34,1 фоизи ёки 1376,0 млрд. сўмлигини чорвачилик маҳсулотларини, 63,9 фоизи ёки 2577,6 млрд.сўмлигини деҳқончилик маҳсулотларини, 2,0 фоизи ёки 78,7 млрд сўмини бошқалар ташкил этган. Ялпи маҳсулот ишлаб чиқаришда фермер хўжаликлари улуши 32,6 фоизни, деҳқон хўжаликларининг улуши эса 64,0 фоизни, бошқа хўжаликларнинг улуши эса 1,6 фоизни ташкил этган.

Вилоятда Ҳукуматимиз томонидан белгилаб берилган устувор вазифалар асосида аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини барқарор таъминлаш, озиқ-овқат маҳсулотлари ҳажмларини кўпайтириш ва ички истеъмол бозорини тўлдириш мақсадида мева-сабзавот, картошка, гўшт, сут, тухум, асал, балиқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳамда уларни сақлаш, қайта ишлашни йўлга қўйиш бўйича манзилли Дастурлар асосида ишлар олиб борилмоқда.

Жумладан, 2016 йилда вилоят бўйича барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 465,3 минг тонна мева (ўтган йилга нисбатан 112,3 %), 867,2 минг тонна сабзавот (110,0 %), 304,4 минг тонна картошка (110,0 %), 77,9 минг тонна полиз (109,6%), 127,8 минг тонна узум (112,6%) маҳсулотлари ишлаб чиқарилган. Вилоятда мавжуд 3357.9 минг аҳолининг мева-сабзавот маҳсулотларига бўлган йиллик талаби мева билан 212 фоизга, узум 278 фоизга, сабзавот 226 фоизга, полиз 102 фоизга, картошка 180 фоизга талаби қондирилган.

Вилоятда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 29 февралдаги №34-сонли “2016 йилда республика ҳудудларида янги совуткичли сиғимлар қуриш ва мавжудларини модернизация қилиш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар тўғрисида”ги йиғилиш баёнига асосан вилоятда 2016 йил давомида умумий қуввати 16,3 минг тонна (100 %)

(шундан, “Ўзбекозиқовқатзахира” уюшмаси тизимидаги корхонада 500 тонна, бошқа хусусий корхоналарда 15,8 минг тонна) янги музлаткичли камералар қуриб, фойдаланишга топширилган. Совуткичли омборхоналарни ташкил этиш учун жами 27,1 млрд сўм, шундан 13,7 млрд сўм банк кредитлари, 13,4 млрд сўм ташаббускорларнинг ўз маблағлари сарфланган.

Фарғона вилоятида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва уларни қайта ишлаш бўйича бир қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда. Бугунги кунда етиштирилаётган пахта ва бошоқли доннинг асосий қисми вилоятнинг ўзида қайта ишланмоқда. Лекин, пахтанинг 100,0 фоизи, бошоқли доннинг салкам 70 фоизи қайта ишлашга йўналтирилган ҳолда, етиштирилган узумнинг 17,1 фоизи, сабазвотнинг 18,4 фоизи, меванинг 19,2 фоизи, гўштнинг 14,2 фоизи, сутнинг 18,3 фоизи қайта ишланган ҳалос. Вилоятда 2011-2015 йиллар давомида умумий қуввати 41,8 минг тоннали сифимдаги совуткичли омборхоналар ишга туширилиб, ушбу мақсадларга 45.2 млрд сўмлик маблағлар йўналтирилган.

Вилоят бўйича 2015 йилда асосий капиталга 2132.8 млрд.сўм инвестициялар киритилган бўлиб, бу 2000 йилга нисбатан 40.7 ва 2010 йилганисбатан 2.5 баробар кўпдир. Шунингдек, бу кўрсаткични туманлар кесимида таҳлил этадиган бўлсак, асосий капиталга инвестициялар киритиш 2000 йилга нисбатан Ёзёвон туманида 121,0баробар, Фарғона туманида 107.8 баробар,Учкўприк туманида 71.4 баробар кўпайган. 2010 йилга нисбатан бу ўсиш эса Фарғона туманида 7.7 баробар, Фурқат туманида 4.3 баробар ва Сўх туманида3.1 баробарни ташкил этган ҳолдп, Қўштепа туманида 14.8 фоизга камайган.(2.2-жадвал)

Вилоятда 2016 йил 1 январ ҳолатига жами рўйхатдан ўтган ҳорижий инвестицияли корхоналар сони 152 тани (шу жумладан 123 та қўшма корхона, 29 та хорижий корхона) ташкил этиб, бу корхоналардан 146 таси фаолият кўрсатиб келмоқда.

**Фарғона вилоятида асосий капиталга киритилган инвестициялар
динамикаси⁷**

Номи	2000 йилда (млн.сўм)	2005 йилда (млн.сўм)	2010 йилда (млн.сўм)	2015 йилда (млн.сўм)	2015 йилда нисбатан, %		
					2000 йилга	2005 йилга	2010 йилга
В илоят бўйича- жами	52,4	162,3	849,1	2132,8	4070,2	1314,1	251,2
Шахарлар:							
Фарғона	21,3	40,9	257,1	430,4	2020,7	1052,3	167,4
Кўканд	2,2	31,8	147,9	231,2	10509,1	727,0	156,3
Кувасой	1,4	17,1	24,2	73,6	5257,1	430,4	304,1
Марғилон	1,5	6,7	40,7	58,9	3926,7	879,1	144,7
туманлар:							
Олтиарик	2,1	4,0	32,8	63,9	3042,9	1597,5	194,8
Қўштепа	1,4	3,0	56,2	47,9	3421,4	1596,7	85,2
Бағдад	1,1	5,0	24,9	65,3	5936,4	1306,0	262,2
Бешарик	1,4	6,0	38,0	59,8	4271,4	996,7	157,4
Бувайда	0,8	4,3	19,0	46,5	5812,5	1081,4	244,7
Дангара	2,8	3,0	27,3	60,7	2167,9	2023,3	222,3
Кува	2,8	4,1	18,1	94,8	3385,7	2312,2	523,8
Риштон	2,5	4,0	29,7	67,5	2700,0	1687,5	227,3
Сўх	0,7	1,9	11,4	34,9	4985,7	1836,8	306,1
Тошлак	1,1	5,1	42,2	69,9	6354,5	1370,6	165,6
Узбекисон	1,5	4,5	26,2	60,3	4020,0	1340,0	230,2
Учкуприк	0,8	8,4	22,7	57,1	7137,5	679,8	251,5
Фарғана	1,6	4,3	22,5	172,7	10793,8	4016,3	767,6
Фуркат	0,8	1,7	9,9	42,2	5275,0	2482,4	426,3
Ёзёвон	1,3	3,3	83,9	157,3	12100,0	4766,7	187,5

Дастлабки маълумотларга кўра, фаолият кўрсатиб келаётган хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналарнинг 2015 йилда ишлаб чиқариш, савдо ва хизматлар ҳажми 1161,5 млрд.сўмни ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 114,2 фоизни ташкил этмоқда. Вилоят ялпи саноат ишлаб чиқаришидаги улуши 20,0 фоизга тенг бўлмоқда.

Корхоналар экспорти 193,2 млн.АҚШ долларга етиб, ўсиш 100,4 фоизни, экспортнинг вилоят жами экспортидаги улуши 39,7 фоизни ташкил этмоқда.

⁷Фарғона вилоят статистика бошқармаси маълумотлари асосида тайёрланди

2015 йилда 29 та янги хорижий инвестицияли корхоналар ташкил этилган. Лекин шуни таъкидлаш лозимки, уларнинг фақат 3 таси ,жумладан Риштон туманидаги Ўзбекистон-Б.Британия “Страус” ҚҚ (паррандачилик), Ўзбекистон-Б.Британия “Страус фарм” ҚҚ (паррандачилик), Қўштепа туманидаги Ўзбекистон-Қозоғистон "Legenda zolotoy dolini" ҚҚ (мева-сабзавотларни қайта ишлаш) корхоналари агросаноат мажмуаси таркибида ташкил этилган.

Шу билан бирга, хорижий инвестицияли корхоналарнинг фаолиятига хорижий таъсисчиларнинг низом жамғармасига тўлиқ маблағ қўймагани, ишлаб чиқариш ускуналарининг эскирганлиги, маркетинг ишларини яхши йўлга қўйилмаганлиги сабабли 2016 йил 1 январ ҳолатига 6 таси фаолият кўрсатмаган. Вилоят бўйича 2015 йилда асосий капиталга 76.4 млн. долл. миқдорида

2.3-жадвал

Фарғона вилоятида асосий капиталга киритилган хорижий инвестициялар динамикаси⁸

Номи	2005 йилда (млн.долл.)	2010 йилда (млн.долл.)	2013 йилда (млн.долл.)	2015 йилда (млн.долл.)	2015 йилда нисбатан		
					2000 йилга	2005 йилга	2010 йилга
Вилоят бўйича-жами	14,8	72,6	119,8	76,4	516,2	105,2	63,8
Шахарлар:							
Ферғона	7,8	27,8	21,7	8,5	109,0	30,6	39,2
Қўканд	1,2	7,8	36,7	19,5	1625,0	250,0	53,1
Кувасой	0,4	1,6	6,5	0,1	25,0	6,3	1,5
Марғилон	1	0,6	0,7	0,4	40,0	66,7	57,1
туманлар:		0					
Олтиарик	0,1	0					
Қўштепа		18,8					
Бағдад	0,1	0,9					
Бешарик		9,4		0,2		2,1	
Бувайда	0,1	0					
Дангара		2,1		0,5		23,8	
Кува		0		0,1			
Риштон	3,5	0	0,1	0,1	2,9		100,0
Сўх		0					

⁸Фарғона вилоят статистика бошқармаси маълумотлари асосида тайёрланди

Хорижий инвестициялар жалб этилган бўлиб, бу кўрсаткич 2000 йилга нисбатан 5.2 баробар, 2005 йилга нисбатан 105.2 фоизга ошган бўлса, 2010 йилга нисбатан 46.2 фоизга камайган. (2.3-жадвал) Сўнги йилларда Олтиарик, Қўштепа, Боғдод, Бувайда, Сўх, Учкўприк ва Ёзёвон туманларида асосий капиталга умуман хорижий инвестициялар жалб этилмаган. Бу эса вилоят, туманлар ва корхоналар раҳбарларининг сўнги йилларда асосий капиталга хорижий инвестицияларни жалб этиш фаоллиги пасайганлигини билдиради.

2.2. Қишлоқ хўжалик корхоналарида агросаноат интеграциясини чуқурлаштиришда уларни давлат томонидан қўллаб қувватлашни такомиллаштириш.

Бозор иқтисодиёти муносабатлари яхши ривожланган илғор хорижий давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, қишлоқ хўжалиги тармоғи давлат томонидан тегишли қонун-қоидалар асосида тартибга солиб турилиши ва қўллаб-қувватланиши лозим.

Умуман олганда, қишлоқ хўжалигини марказлашган режалар асосида давлат томонидан маъмурий усуллар орқали бошқариш тамойилларидан воз кечиб, бу соҳага эркин бозор муносабатлари кириб келаётган бир пайтда давлатнинг аграр ишлаб чиқариш муносабатларига аралашуви ҳаётий заруратга айланади. Аммо, республикамиз бозор муносабатларига ўта бошлаганидан бери ўтган давр сабоқлари ҳамда илғор хорижий мамлакатларнинг тажрибалари қишлоқ хўжаликларини давлатнинг фаол аралашувисиз ривожлантириб бўлмаслигини кўрсатмоқда. Чунки, бозор шароитида аграр соҳа давлат томонидан қўллаб – қувватланмасдан туриб, соҳолараро рақобатга бардош беролмайди.

Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида давлатнинг қишлоқ хўжалигини қўллаб – қувватлашдаги энг муҳим вазифаларидан бири – тадбиркорлик ташаббуси ва танлов эркинлигига, мустақил хўжалик юритиш ҳуқуқи ва ўз

хусусий мулкига эга бўлган бозор хўжалигининг субъекти тадбиркорларни шакллантириш ҳамда уларнинг соғлом рақобат ва тенг хўжалик юритиш ўaroитларида фаолият кўрсатишини таъминловчи ҳуқуқий – меъёрий асосларини яратишдир. Давлат тадбиркорларнинг бутун ижобий ва меҳнат қобилиятларини юзага чиқариши ҳамда улар хўжаликни бошқариш жараёнларини тўсиқсиз амалга оширишлари учун зарур бўлган барча шарт – шароитларни, яъни тадбиркорлик ва танлов эркинлигини қонунан мустаҳкамлаб қўйиши керак. Шу билан бирга давлат тегишли қонуний ҳужжатлар орқали бозор шароитида хўжалик юритиш қоидаларини белгилайди.

Давлатнинг яна бир муҳим вазифаси қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига барқарор талаб ва таклифнинг шаклланишини қўллаб – қувватлашдир. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига барқарор талабни шакллантириш учун аҳолининг дароматларини ўстириш ва қайта тақсимлаш, истеъмол учун зарур бўлган баъзи маҳсулотларнинг баҳоларини тартибга солиш каби тадбирлар қўлланилади. Давлат истеъмол учун зарур бўлган ҳамда стратегик аҳамиятга эга бир қатор маҳсулотларга давлат буюртмаларини шакллантириш орқали ҳам қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига барқарор талабни юзага келтиришга ҳисса қўшади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига барқарор таклиф ҳажмини қўллаб – қувватлаш бевосита хўжаликларда ишлаб чиқаришни оптималлаштириш, уларнинг моддий – техник салоҳиятини ошириш, соҳага энергия ва ресурсларни тежаш имконини берувчи илғор технология ҳамда фан-техника ютуқларини жорий этиш (баҳолар паритетини сақлаш, солиқ, молия-кредит ва суғурта тизими) орқали ишлаб чиқариш – молиявий фаолиятда қулайлик ҳамда имтиёзлар яратиш орқали таъминланади.

Бозор иқтисодиётида давлатнинг энг муҳим вазифаларидан бири қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқариш ҳамда ижтимоий инфратузилмаларни барпо этишга кўмаклашишдир. Бу вазифани амалга ошириш деҳқонларга моддий – техник ресурслар етказиб берувчи,

маҳсулотларни сақлаш, ташиш, қайта ишлаш ва сотишга кўмаклашувчи хизмат кўрсатувчи корхоналар тармоғини яратиш, банк, молия ва қимматли қоғозлар бозори, фонд биржалари ва ярамаркалар, ахборот – маслаҳат марказлари ҳамда деҳқонлар манфаатларини ҳимоя қилувчи уюшмалар, фондларни ташкил этиш ва ривожлантиришни назарда тутди.

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш ва мувофиқлаштириш борасида мусахкам ҳуқуқий – меъёрий асос яратилган. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, “Фуқоралик Кодекси”, “Ер кодекси”, “Солиқ Кодекси”, “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Ширкат хўжалиги тўғрисида”ги, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги, “Деҳқон хўжалиги тўғрисида”ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг бир қатор фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатлар республикада қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятининг турли жиҳатларини тартибга солиб туради ва уларнинг хўжалик фаолиятига давлат органлари ва ташкилотларнинг ҳамда бошқа органлар ва ташкилотларнинг, улар мансabdор шахсларнинг аралашувига йўл қўйилмайди. Давлат тадбиркорларнинг эркинлиги, ҳуқуқларини ҳимоя қилади ва уларнинг фаолиятига асоссиз аралашувларни чеклаб туради.

Республикада фермер хўжаликларини ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш билан бир қаторда уларни иқтисодий дастаклар орқали ҳар томонлама рағбатлантириш чоралари ҳам амалга оширилмоқда. Давлатнинг иқтисодий рағбатлантириш чоралари қуйдаги механизмлардан ташкил топади :

- молия – киридит тизими орқали қўллаб- қувватлаш;
- табақаланган ва имтиёзли солиқ тизимидан фойдаланиш;
- баҳолар паритетини сақлаш;
- ташқи иқтисодий фаолиятни рағбатлантириш ва бошқалар.

Давлатнинг фермер хўжаликлари фаолиятини иқтисодий дастаклар орқали қўллаб – қувватлаш чоралари фермер хўжаликларининг

ривожланишига қулай шарт – шароитлар яратиш мақсадида давлат томонидан бериладиган иқтисодий рағбатлантириш чораларидан ташкил топади. Бундай чора-тадбирлар сарасига солиқлар тўлашда енгилликлар бериш, имтиёзли шартлар ва фоизларда кредитлар бериш, давлат буюртмаси бўйича харид қилинадиган маҳсулотларга кафилланган баҳолар белгилаш, экспорт-инпорт операцияларида қулай тарифлар ва тўловлар ўрнатиш каби иқтисодий дастаклар киради.

Давлат тамонидан ишлаб чиқаришни тартибга солиш жараёни йилдан-йилга такомиллаштирилиб боришмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 19 апрелдаги “2013-2017 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1958-сонли Қарорига асосан 2013-2017 йиллар давомида жами 25 минг гектар майдонда томчилатиб суғориш технологиясини жорий этилиши белгиланган.

Ушбу Қарорнинг ижросини таъминлаш ҳамда сувни тежайдиган замонавий суғориш усулларни жорий этган қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларини рағбатлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 21 июндаги “Томчилатиб суғориш тизимини ва сувни тежайдиган бошқа суғориш технологияларини жорий этиш ва молиялаштиришни самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 176-сонли қарори қабул қилинди.

Ушбу қарорда томчилатиб суғориш тизимини ва сувни тежайдиган бошқа суғориш технологияларини жорий этган қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига тежалган сув ресурсларидан бошоқли дон экинларидан бўшаган майдонларда қишлоқ хўжалиги экинлари ўстириш учун фойдаланиш ҳуқуқи берилиши белгилаб қўйилган.

Бундан ташқари, сувни тежайдиган технологияларни жорий этадиган ер эгаларига Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш

жамғармасы маблағлари ҳисобидан ажратиладиган кредит линиялари орқали имтиёзли фоизларда кредит олиш мумкинлиги белгиланган.

Жамғарманинг кредит линияси маблағлари ҳисобига кредитлардан фойдаланганлик учун имтиёзли фоиз ставкаси йиллик 6%, шу жумладан, банк маржаси – 3% миқдорида белгиланганлиги қишлоқ хўжалиги ер эгаларига берилган энг катта имтиёздир.

Шу билан бирга, 2014 йилда Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексининг 367-моддасига киритилган ўзгартиришларга асосан юридик шахслар, ер участкасининг қайси қисмида томчилатиб суғоришдан фойдаланилаётган бўлса, ўша қисмида томчилатиб суғориш тизими жорий қилинган ойдан бошлаб 5 йил муддатга ягона ер солиғи тўлашдан озод этилди.

Маҳсулотнинг таннархини пасайтириш мақсадида Давлат дастури доирасида амалга ошириладиган томчилатиб суғориш тизими ва сувни тежайдиган бошқа суғориш технологиялари учун бутловчи буюмлар ишлаб чиқарувчи ихтисослаштирилган ташкилотларга декларация қилинган нархлар бўйича полиэтилен гранула харид қилиш учун ҳар йиллик квоталар ажратилади.

Давлат дастурига киритилган томчилатиб суғориш технологиясини жорий қилиш лойиҳаларни амалга оширишда фермер хўжаликлари ва бошқа ер эгаларига Жамғарма кредит линияси ҳисобидан республика бўйича 10 млрд. сўм маблағ ажратилди. Мазкур маблағлар тижорат банклари орқали йиллик 6 фоизлик имтиёзли кредит сифатида тақдим қилинади.

Соҳага замонавий технологияларни жорий қилишда хорижий инвестицияларнинг аҳамиятини барча яхши англаб етади. Шу сабабли Ҳукуматимиз томонидан халқаро молиявий институтлар (Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Халқаро қишлоқ хўжалиги ривожлантириш жамғармасы ва бошқ.) маблағларини жалб қилиш имкониятларини яратиб берилляпти

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 19 сентябрда 1857-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган “Тасдиқланган

маҳаллийлаштириш Дастури лойиҳалари амалга ошириладиган корхоналар томонидан солиқ ва божхона имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги “ Низомга асосан корхоналар қуйидагиларни тўлашдан озод этиладилар:

-четдан келтириладиган технологик асбоб-ускуналар ва улар учун эҳтиёт қисмлар, шунингдек маҳаллийлаштириладиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришда технологик жараёнда фойдаланиладиган, республикада ишлаб чиқарилмайдиган компонентлар учун божхона тўловларидан (божхонада расмийлаштириш йиғимларидан ташқари);

-маҳаллийлаштириш лойиҳалари бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулотлар бўйича фойда солиғидан, ягона солиқ тўловидан (солиқ солишнинг соддалаштирилган тизимини қўллайдиган субъектлар учун);

маҳаллийлаштириладиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган асосий ишлаб чиқариш фондлари бўйича мулк солиғидан.

Ушбу Низомда назарда тутилган солиқ ва божхона имтиёзлари берилиши муносабати билан бўшаб қоладиган маблағлар янги ишлаб чиқаришларни ташкил этишга, шунингдек фаолият кўрсатаётган ишлаб чиқаришларни кенгайтиришга, реконструкция қилишга, модернизациялашга, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга, маҳаллийлаштириладиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун зарур бўлган хом ашё ва материаллар сотиб олишга, Маҳаллийлаштириш дастурини амалга оширишга жалб қилинган корхоналарнинг муҳандис-техник ходимларини рағбатлантиришга йўналтирилади.

III-БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА АГРОСАНОАТ МАЖМУАСИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

3.1. Агросаноат мажмуасини ривожлантиришда хорижий мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиш йўналишлари.

Агросаноат турлари мўайян мамлакатнинг шароитига қараб, ҳар хил даражада ривожланади, тадбиркорликнинг нуфузли турига айланади. Агросаноат юқори меҳнат унумдорлигига асосланади. шу сабабли, фермерлар сони қисқарган ҳолда, улар етиштирадиган маҳсулот кўпаяди. АҚШда 1910 йилда жами ишловчиларнинг 35 фоизи қишлоқ хўжалигида банд бўлган бўлса, бугунги кунга келиб бу кўрсаткич 3-7 фоизни ташкил этади. Ишловчилар хиссаси бир неча баробар камайган ҳолда, маҳсулот етиштириш жиддий кўпайган. Айтиб ўтилган 3-7 фоиз ишловчилар мамлакатни маҳсулот билан тўла таъминлаган ҳолда, уни экспортга етказиб беришади. АҚШлик мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, 20 асрнинг бошларида битта ишловчи тўрт кишини боқа олган бўлса, 1990 йилларга келиб, у 96 кишини боқа оладиган маҳсулот яратган. Аммо Агросаноат даромадларида фермерлар улушининг камайиши юз берган. Фермерлар даромадининг кўп ҳолларда паст юриши фермер маҳсулоти билан у сотиб оладиган ресурслар нисбатининг бузилишидир. Бунинг асосий сабаби қишлоқ хўжалик маҳсулотларига талабнинг аҳоли даромадига нисбатан эластик бўлмаслигидир. АҚШда 1980 йилларда аҳоли даромади 10 фоиз ортгани ҳолда, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари истеъмоли фақат 2 фоизга ортган. Аҳоли истеъмол учун қилган сарфларда озиқ-овқат харидининг хиссаси пасайиб кетиши кузатилган. Масалан, 1992 йили АҚШдаги оила харажатларида озиқ-овқат сарфи атиги 12 фоизни ташкил этди.

Агросаноат комплекси юксак даражага чиққанида аҳолини тўла-тўқис қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлайди. Шундай шароитда уларга талабнинг ортиши фақат аҳоли сонининг ўсишига мос келади.

Албатта, бундай қонуният ривожланган мамлакатларга хос, ривожланаётган мамлакатларда озиқ-овқатга талаб тез ўсади, чунки аҳолининг тўқлиги хали таъминланган эмас. Шу сабабдан аҳоли истеъмолида озиқ-овқат сарфининг ҳиссаси Японияда 16,1 фоиз, Германияда 19,8 фоиз, Швецияда 17,4 фоиз бўлгани ҳолда, Туркманистонда 33,9 фоиз, Қирғизистонда 24,8 фоиз, Хиндистонда эса 44,4 фоизни ташкил этади.

Маҳсулотга талабнинг эластиклиги ғоят кучсиз бўлиши ривожланган бозор иқтисодиётига хос бўлганидан фермер маҳсулотининг нархи секин ўсади, аммо бунга нисбатан фермер сотиб оладиган товарлар нархи тез ўсади, чунки уларга талабнинг эластиклигианча кучли бўлади. Яхши ҳосил кўтариш туфайли маҳсулотларнинг кўпайиши улар нархининг пасайишига олиб келади. Бу ўз навбатида фермерлар даромадини камайтиради, чунки уларнинг харажати қисқармайди. Мазкур харажатлар таркибида доимий (ўзгармайдиган) харажатлар ҳиссаси катта бўлгани ҳолда ўзгарувчан харажатлар ҳиссаси кичик бўлади. Натижада ресурслар нархининг ўзгариши фермер харажатларига кучли таъсир этмайди, чунки доимий харажатлар илгаригидек қолаверади. Бундан ташқари фермерлар ўз маҳсулотини рақобатли, яъни нарх эркин шаклланадиган бозорда сотади, керакли ресурсларни эса раобат чекланган бозордан олади, шу бозорда нархни бир гуруҳ фирмалар назорат қилади, шу сабабли ресурслар (масалан, ўғитлар, гербицидлар, ёқилғи, техник, қурилиш моллари) нархинисбатан юқори туради. Масалан, АҚШда 1910-1920 йилларда фермер маҳсулоти билан у харид этадиган товарлар нархининг паритети (нисбати) тенг бўлган (1:1), 1990 йилга келиб, паритет бузилган (0,54:1) яъни фермер маҳсулоти паритети деярли икки марта қисқарган. Паритетнинг бузилиши фермерлик қилишдан олинадиган даромадни қисқартиради, шу сабабли фермерлар асосий ишдан ташқари бошқа иш билан шуғулланиб, қўшимча даромад топадилар. АҚШда 1990 йили фермер хўжалигининг даромади 43037 доллар бўлган, шундан 21545 доллари (49,7 фоизи) қишлоқ хўжалигидан келган. Фермерлар фаолиятини ўзлари учун кам нафли ишга айланиши шундан дарак берадики,

бозор иқтисодиёти қонунлари таъсири остида талабнинг чекланиб қолиши, унумдорликни ошириш, маҳсулотни кўп ишлаб чиқарувчига зарар келтириши мумкин. Бу бозор муносабати зиддийлигини билдиради. Бу зиддият давлат иштирокида ҳал этилади. Ривожланган мамлакатларда давлатнинг қишлоқ хўжалигини қўллаб-қувватлаш дастурларида фермерларга кўмаклашиш чора-тадбирлари белгиланади. АҚШда булар қуйидагилардан иборат:

1. Давлат фермерлар маҳсулоти ўта арзонлашиб кетиб, улар хонавайрон бўлмаслиги учун мазкур маҳсулот нархининг энг қуйи чегарасини белгилайдики, улардан паст нархларда уни сотиш мумкин бўлмайди. Буни фермерларни қўллаб-қувватлаш нархи деб аталади.
2. Давлат ортиқча қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиб олиб, унинг ғамламасини уюштиради. Давлат харид этган миқдорда маҳсулот таклифи қисқаради, бу қишлоқ хўжалик маҳсулоти нархларини барқарорликда тутиб туриш имконини беради.
3. Давлат ортиқча маҳсулотни бозорга чиқармай турган фермерларга уни сақлаш сарфини қоплаш учун субсидия беради. Шунингдек, субсидия экин майдони давлат тавсиясига биноан қисқартирган фермерларга ҳам берилади.
4. Давлат қишлоқ хўжалик маҳсулоти экспортнинг субсидия бериш, солиқларни қисқартириш орқали рағбатлантиради, аynи вақтда импорт учун бож пулини кўпайтириш, импорт миқдорини чеклаш орқали миллий қишлоқ хўжалик товарлари бозорини ҳимоя қилади.
5. Давлат қишлоқ хўжалиги учун зарур бўлган фан-техника муаммолари сарфини ўз зиммасига олади, бу билан фермерларни бир қатор сарфлардан холи қилади. Бу эса фермер хўжаликлари харажатларининг тежалишига ёрдам беради.

Хуллас, давлатнинг чора-тадбирлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорида талаб-таклиф увозанатини таъминлашга ва фермер харажатларини қисқартиришга қаратилади. Бу ривожланган бозо иқтисодиётидаги аграр

муносабатларда давлат ўзининг иқтисодиётини тартиблаш чоралари билан фаол қатнашишидан дарак беради.

Ҳозирги вақтда дунёда моддий ресурслар тақчил. Шундай шароитда агросаноат мажмуини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ва маҳсулотлар истеъмолчисини тўғри аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Таҳлилларга қараганда, яқин 50-60 йилда халқаро озиқ-овқат тизимида жиддий ўзгаришлар бўлмайди. Хусусан, халқаро озиқ-овқат тақсимооти механизмида ҳам. Зеро, мамлакатларнинг ички ва ташқи сиёсати кун тартибидан аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш масаласи тушмайди.

Жаҳон қишлоқ хўжалигини ривожлантириш истиқболи ҳосилдор ерлар, тоза сув, мусаффо атроф-муҳит ва табиий ресурслар танқислигини ҳисобга олган ҳолда уларни барқарор ривожлантириш тамойилларига асосланиши лозим. Шундагина кўпаяётган аҳолини озиқ-овқат билан таъминлашга эришилади.

Иқтисодиётни ривожлантиришда қишлоқ хўжалиги чиқиндиларидан энергия манбаи, озиқ-овқат ва бошқа мақсадларда фойдаланиш, минимал ишлов орқали тупроқнинг унумдорлигини тиклаш, сув сарфини, кимёвий моддалар, айниқса, пестицидларни қўллашни камайтириш катта аҳамиятга эга.

Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (ОЭСР)нинг расмий қўлланмасига биноан аграр сиёсат қишлоқ хўжалиги (ишлаб чиқарувчилар) ва озиқ-овқат сиёсатига (истеъмолчилар) бўлинади. Ушбу қўлланма бўйича иш юритилса, сарф-харажатларни ҳисоб-китоб қилиш усули ўзгаради. Жумладан, тармоқдаги транспорт тўловларини озиқ-овқат истеъмолчилари ва солиқ тўловчилар ҳисобига ўтказиш мумкин. Шу муносабат билан солиқтўловчилар ёки маҳсулот истеъмолчилари ва қишлоқда товар ишлаб чиқарувчилар ўртасида давлат ҳакам бўлиб хизмат қилади.

Аграр сиёсатни аниқлашда, одатда, иқтисодий соҳа алоҳида ўрин тутаяди. Бунда унинг экология ва ижтимоий томонлари ҳисобга олинмайди.

Қатор мамлакатларда (АҚШ, Германия) бош мақсадга эришишда ўша уч соҳани бир бутун деб ҳисобга олиш масъул сиёсатчилар томонидан тан олинади. Атроф-муҳитни муҳофаза этиш ҳар бир тармоқда устувор йўналиш бўлиши лозим. Чунки бу тармоқларда табиатга таъсир катта, шунинг учун ягона экологик сиёсат ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқ. АҚШда бу борада икки хил йўналиш мавжуд, ҳар бир тармоқдаги экологик жиҳатларни инобатга олган ҳолда ички штат бошқаруви йўлга қўйилган. Бошқача қилиб айтганда, табиий объектлар, дов-дарахтми, тупроқми, сувми, у нима бўлишидан қатъи назар, жойларда ўша объектлар учун ифлосланиш меъёри ишлаб чиқилган. Бу меъёрларни барча ташкилот ва корхоналар бажариши шарт.

Аграр сиёсатнинг бошқа бир қисми борки, уни иқтисодий соҳа билан ҳисобга олиб бўлмайди. Бу қишлоқ хўжалиги ҳудудлари ривожланишига тааллуқлидир. Масалан, қишлоқлардаги ишсизлик озиқ-овқат ишлаб чиқариши билан бевосита боғлиқ эмас. Иш билан бандлик даражасига саноат, хизмат кўрсатиш тармоқларини ривожлантириш йўли билан таъсир этиш мумкин.

Жаҳон амалиётида «Озиқ-овқат хавфсизлиги» иборасини қўллашга одатланилган. Бир гуруҳ олимлар бу иборанинг асосида фақат истеъмолни кўшиб ишлатишади. Уларнинг фикрича, озиқ-овқат хавфсизлиги - аҳолининг фаол ҳаёти учун қанча миқдорда озиқ-овқат талаб этилса, аҳолига шунча миқдорда озиқ-овқат таъминоти кафолатланиши назарда тутилади. Бинобарин, озиқ-овқат хавфсизлигига эришишда икки усул бор: биринчиси, импорт қилиш, иккинчиси ўзини-ўзи маҳсулот билан таъминлаш.

Озиқ-овқат қарамлилиги, жамият ўз озиқ-овқат хавфсизлиги муаммосини ўзи мустақил равишда еча олмаса, вужудга келади. Бу ҳол қишлоқ хўжалиги, саноат, транспорт мажмуи тармоқларининг бузилишига сабаб бўлади. Шу билан бирга, давлат иқтисодиётнинг зарур бўлган импорт озиқ-овқат молларини сотиб олиш имкониятини йўқ қилади. Озиқ-овқат қарамлилигига асосий сабаб давлатнинг ўз ишлаб чиқарувчиларига ёрдам

бермаслиги ва миқдоридан кўп озиқ-овқат моллари импорти ошишидир. Озиқ-овқат мустақиллиги аҳолини белгиланган меъёردа озиқ-овқат билан таъминлаш учун энергия стратегик захиралари, ер майдони, қишлоқ хўжалиги машиналари, моддий ресурслар мавжудлигини англатади.

Озиқ-овқат мустақиллигига АСМ мустақил равишда ишлаб чиқариш, сақлаш, қайта ишлаш ва аҳолини ҳар хил турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан керакли миқдорда таъминлаши орқали эришилади.

Озиқ-овқат хавфсизлиги стратегияси қуйидагиларни ўз ичига олади:

- АСМ меҳнат ресурсларига нисбатан протекционистик чораларни кўриш ва аҳоли ҳар хил қатламларининг давлат таъминотига эришиш;
- саноат, сақлаш, қайта ишлаш ва озиқ-овқатларни тарқатиш тизимида меҳнат ресурсларининг оптимал мувозанатини ушлаб туриш;
- АСМ тизимини энергия ва ресурс сақлаш технологиясига айлантириш;
- Давлат режа тизими ишлаши ва АСМ фаолиятини таъминлаш.

Хориж ва мамлакатимизда тўпланган тажрибалар шуни кўрсатмоқдаки, бозорнинг шаклланиш жараёни ўсиб бориши билан хўжалик субъектлари томонидан иқтисодиётни бошқариш омилларининг аҳамияти ҳам ортиб боради. Кўпгина мамлакатлар тажрибаси шундан далолат берадики, бозор муносабатлари ривожланиши билан давлатнинг агросаноат тизими ва унинг алоҳида тармоқларига мақсадга мувофиқ равишда таъсир этиш зарурати сақланиб қолади.

Бозор иқтисодига ўтишнинг ҳозирги босқичида республикамиз аграр соҳасини бошқаришда давлат бошқарувининг аҳамияти катта. Шунинг учун давлат идоралари хўжалик ишларига аралашмаслик сиёсатидан чекиниб, аграр соҳани ва агросаноат мажмуи бошқа тармоқларини ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилаб бермоғи лозим.

Таъкидлаш жоизки, қўшимча моддий, меҳнат ва молия ресурсларини жалб қилмасдан, фақат бошқариш тизимини ташкил этишни тартибга солиш орқали катта самарага эришиш мумкин. Агросаноат мажмуи тизимини

ташкил этишнинг муҳим шарти, бу жараёни мақсадга мувофиқ режали ва изчил давом эттиришдир.

3.2. Агросаноат мажмуаси бўйича давлат сиёсати ва уни такомиллаштириш йўллари.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган давлат аграр сиёсати биринчи навбатда мамлакатда мустаҳкам озиқ – овқат базасини, ер ва сувдан оқилона фойдаланиш шарт–шароитларини яратиш, мулкчиликда давлат монополиясини кескин чеклаш ва хусусий мулк эгаллиги ҳамда мулкчиликнинг бошқа шакллариغا кенг йўл очиш, турли мулкчилик шаклидаги қишлоқ хўжалиги корхоналарига тенг ривожланишига эришиш ва уларни ҳар томонлама қўллаб – қувватлаш масалаларига қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси аграр сиёсатининг асосий мақсадлари қуйидагилардан иборат:

- Мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, аҳолини, саноатни қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлаш;
- Қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини ошириш;
- Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортини ошириш эвазига чет эл валюталари тушумини кўпайтириш;
- Қишлоқ хўжалигига тушаётган тушумларни бошқа тармоқлар ўртасида тақсимлашни мўътадиллаштириш;
- Қишлоқ хўжалигида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш;
- Қишлоқ хўжалигида рақобат муҳитини кучайтириш;
- Қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш ва такомиллаштириш;
- Қишлоқ хўжалигида бозор муносабатларини шакллантириш ва ривожлантириш;
- Қишлоқ хўжалигида тадбиркорлар синфини шакллантириш ва ривожлантириш;
- Қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлиги ошириш ва тармоқнинг иқтисодий самарадорлигини кўтариш.

Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш жуда мураккаб шароитларда амалга оширилмоқда. Бу шароитларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- молиявий маблағларнинг талаб даражасидан кам бўлиши, етишмаслиги;
- қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базасининг эскириб қолганлиги;
- қишлоқда меҳнат мотивациясининг, манфаатдорлигининг нисбатан пастлиги;
- қишлоқ хўжалиги ва саноат маҳсулотларига шаклланаётган нархлар паритетининг қишлоқ хўжалиги учун қулай ҳолда ривожланмаганлиги;
- қишлоқ хўжалигида бозор инфратузилмасининг етарли даражада яхши ривожланмаганлиги;
- қишлоқ аҳолисининг харид қилиш қобилиятининг нисбатан пастлиги;
- қишлоқ хўжалигига нисбатан арзон ва сифатли машина ва техникаларни олиб келиш имкониятларининг чекланганлиги;
- қишлоқ хўжалиги учун кимёвий воситалар, маъданли ўғитлар, ёқилғи мойлаш материалларини етказиб бериш (айримларини ишлаб чиқаришнинг) камайиши;
- мустақилликнинг дастлабки йилларида инфляция даражасининг нисбатан юқори бўлиши;
- ер ва сув ресурсларининг сифатининг пасайиши.

Шу каби қийинчиликларга қарамасдан мамлакат Президенти ва ҳукумати томонидан иқтисодий ислохотлар пухта ўйланган ҳолда олиб борилди ва у ўзининг ижобий самарасини бера бошлади.

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб – қувватлаш борасида қуйидаги ишлар амалга оширилмоқда:

- қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятининг меъёрий – ҳуқуқий негизини такомиллаштириш;
- қонунда кўрсатилган ҳуқуқлари бузилишига йўл қўймаслик;

- уларнинг ички фаолиятига аралашувнинг ҳар қандай кўринишига йўл қўймаслик;
- қишлоқ хўжалигида мақбул баҳо сиёсатини юритиш, доимий равишда қишлоқ хўжалиги ва саноат товарлар орасидаги баҳолар паритетини сақлаб бориш;
- даромадлар пасайиб кетишига йўл қўймаслик;
- илғор технология ва техникалар билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш;
- фқоралар тadbиркорлик фаолияти билан эркин шуғулланишлари ва ундан манфаатдорлигининг кафолатлари ва шароитларини таъминлаш, уларнинг ишбилармонлик фаоллигини ошириш ҳамда қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини муҳофаза қилиш;
- молия – кредит тизимини такомиллаштириш ҳамда корхоналарнинг кредит манбалари ва сармояларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш;
- ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатувчи инфратузилмаларни кенгайтириш ва ривожлантириш;
- улгуржи ва майда улгуржи савдони ривожлантириш, корхоналарнинг хомашё, ахборотлар ва технологиялардан эркин ва ўрта бизнес корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни ички ва ташқи бозорларда сотиш тизимини такомиллаштириш;
- қишлоқ хўжалиги ҳисоби ва таҳлили тизимини такомиллаштириш, улар учун давлат статистика, бухгалтерия ва солиқ ҳисоботининг соддалаштирилган тартибини жорий этиш;
- кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини ривожлантириш;
- пул – кредит тизимининг барқарор фаолиятини таъминлаш учун суғурта тизими аҳамиятини ошириш;
- Ерга мулкчилик, ер ва сувдан самарали фойдаланиш механизминини шакллантириш.

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини тартибга солиш, мувофиқлаштириш ва қўллаб – қувватлаш ишлари билан тегишли давлат бошқаруви органлари, Қишлоқ ва сув хўжалиги Вазирлиги, Дехқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси ҳамда бошқа тузилмалар шуғулланадилар. Дехқон ва фермер хўжаликларини қўллаб –қувватлаш жамғармаси, Бизнес – фонд, Бандликка кўмаклашиш жамғармаси, тижорат банклари, “Мадад”, “Биржасавдосуғурта”, “Агросуғурта” суғурта агентликлари ва бошқа институционал тузилмалар корхоналарга бизнес-режа тузиш, имтиёзли кредитлар олиш ва уларни амалга оширишга кўмаклашадилар. Бунда тижорат банклари, турли жамғармалар имтиёзли кредит ажратиш билан ёрдам берса, суғурта агентликлари кредит хатари ва бошқа фавқулодда ҳолатлардан суғурталайди.

Қишлоқ хўжалигида ислохотларнинг ҳуқуқий – меъёрий базасини яратиш кархоналарнинг иқтисодий эркинлигини таминлаш ҳамда уларнинг қонуний бизнес билан шуғулланишларига имкон берувчи ҳуқуқлари ва имтиёзларини кафолатлашнинг энг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги кархоналари фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш ва мувофиқлаштириш борасида мустақкам ҳуқуқий–меъёрий асос яратилган. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, “Фуқоралик Кодекси”, “Ер кодекси”, “Солиқ Кодекси”, “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Ширкат хўжалиги тўғрисида”ги, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги, “Дехқон хўжалиги тўғрисида”ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг бир қатор фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатлар республикамизда қишлоқ хўжалиги кархоналари фаолиятининг турли жиҳатларини тартибга солиб туради ва уларнинг хўжалик фаолиятига давлат органлари ва ташкилотларнинг ҳамда бошқа органлар ва ташкилотларнинг, улар мансабдор шахсларнинг аралашувига йўл қўйилмайди. Давлат тадбиркорларнинг эркинлиги, ҳуқуқларини ҳимоя қилади ва уларнинг фаолиятига асоссиз аралашувларни чеклаб туради.

Республикамиз қишлоқ хўжалигида хусусий тадбиркорликни кенг ривожлантириш мақсадида фермер хўжаликларининг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги қонунининг 29- моддаси: “Давлат қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириш ва уни реализация қилиш билан шуғулланувчи фермер хўжаликларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини кафолатлайди”, - деб эътироф этилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 22 августдаги 347- сонли “Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳамда ҳисобга қўйиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори билан тадбиркорлик субъектларини, жумладан, фермер хўжаликларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг енгиллаштирилган тадбири жорий этилди. Унга кўра, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш “бир йўла” тамойили асосида, уларни автоматик тарзда ҳисобга қўйиш билан амалга оширилади. Қарорга мувофиқ туман ҳокимиятлари таркибида давлат рўйхатига олиш бўйича махсус хизмат ташкил этилган бўлиб, унинг ходимлари тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказиш билан боғлиқ барча ҳужжатларни таёрлаш, уларни йўл фонди, меҳнат, бандлик ва ижтимоий таъминот бўлими, солиқ ҳамда статистика органларида ҳисобга қўйиш ишларини ўзлари амалга оширадилар.

Фермер хўжалигини ер ижроси билан боғлиқ барча ҳужжатлар тайёр бўлган тақдирда давлат рўйхатига олишнинг умумий муддати (ички ишлар бўлимидан муҳр ҳамда бурчак штампини таёрлашга рухсат олишни ҳам қўшиб ҳисобланганда) 12 кундан ошмаслиги лозим.

Кузатишларнинг кўрсатишича, фермер хўжаликларини давлат рўйхатига олишнинг бу енгиллаштирилган тартиби жорий этилиши муҳим аҳамиятга эга бўлди. Чунки, қарор қабул қилингунга қадар фермер хўжалиги ташкил этиш истагида бўлган фуқораларни рўйхатга олиш ишлари асоссиз равишда, турли маъмуриятчилик ва сансоларлик туфайли чўзиб юборилар эди.

Фермер хўжаликлари қонунда белгилаб берилган тартибда ҳисоб ва ҳисобот ишларини юритадилар. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 23 февралдаги “Кичик ва ўрта бизнес корхоналаручун ҳисоботлар юритилишини қисқартириш ҳамда соддалаштириш чора – тадбирлари тўғрисида”ги 65 – сонли қарорига мувофиқ 2000 йилнинг 1- чорагидан фермер хўжаликлари учун максимал қисқартирилган ва соддалаштирилган ҳисоб шакли ҳамда уни тақдим этиш белгилаб берилган.

Республикада фермер хўжаликларини ҳуқуқий жihatдан ҳимоя қилиш билан бир қаторда уларни иқтисодий дастаклар орқали ҳар томонлама рағбатлантириш чоралари ҳам амалга оширилмоқда. Давлатнинг иқтисодий рағбатлантириш чоралари қуйдаги механизмлардан ташкил топади :

- молия – киридит тизими орқали қўллаб- қувватлаш;
- табақаланган ва имтиёзли солиқ тизимидан фойдаланиш;
- баҳолар паритетини сақлаш;
- ташқи иқтисодий фаолиятни рағбатлантириш ва бошқалар.

Давлатнинг фермер хўжаликлари фаолиятини иқтисодий дастаклар орқали қўллаб – қувватлаш чоралари фермер хўжаликларининг ривожланишига қулай шарт – шароитлар яратиш мақсадида давлат томонидан бериладиган иқтисодий рағбатлантириш чораларидан ташкил топади. Бундай чора-тадбирлар сарасига солиқлар тўлашда енгилликлар бериш, имтиёзли шартлар ва фоизларда кредитлар бериш, давлат буюртмаси бўйича харид қилинадиган маҳсулотларга кафилланган баҳолар белгилаш, экспорт-инпорт операцияларида қулай тарифлар ва тўловлар ўрнатиш каби иқтисодий дастаклар киради.

Фермер хўжаликларига солиқ тўлашда сезиларли енгилликлар жорий этилган. Амалдаги қонунчиликка мувофиқ улар дастлаб ташкил этилганидан бошлаб 2 йил мобайнида ягона ер солиғи тўлашдан озод этилган. Кейинги йилларда эса улар бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари билан тенг шароитларда ер майдонининг жойлашган ўрни ва тупроқнинг унумдорлиги

даражасидан келиб чиқиб белгиланадиган балл-бонитетлар асосида ягона ер солиғи тўлайдилар.

Фермер хўжаликларини молия-кредит тизими орқали қўллаб-қувватлаш биринчи навбатда имтиёзли кредит бериш механизмини қўллаш ҳамда кафолатлаш жараёнини ривожлантириш билан характерланади. Ҳозирги кунда “Кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш давлат дастури” доирасида деҳқон ва фермер хўжаликларига давлат маблағлари, тижорат банкларининг имтиёзли жамғармаси ҳамда айнан шу мақсадлар учун ташкил этилган бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари ҳисобидан имтиёзли кредитлар бериш амалда қўлланмоқда. Бундай имтиёзли кредитлар учун фоиз тўловлари Марказий банк (МБ) томонидан қатъий белгиланиб, МБ қайта молиялаш ставкасининг 50 фоизидан юқори бўлмайди. Шунингдек, деҳқон ва фермер хўжаликлари учун кредитнинг гаров таъминотини яратишда давлат ёки бюджетдан ташқари жамғармаларнинг кафолат тизимини яратишга ҳам эътибор берилмоқда.

Давлатнинг фермер хўжаликлари ривожланишига кўмаклашувчи институционал ва инфратузилмаларни қўллаб-қувватлаши муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу вазифани амалга ошириш фермер хўжаликларига моддий – техник ресурсларини этказиб берувчи, маҳсулотларни сақлаш, ташиш, қайта ишлаш ва сотишга кўмаклашувчи хизмат кўрсатувчи корхоналар тармоғини яратиш, банк, молия ва қимматли қоғозлар бозори, фонд биржалари ва ярмаркалар, ахборот-маслаҳат марказлари ҳамда фермерлар манфаатларини ҳимоя қилувчи уюшмалар, фондларни ташкил этиш ва уларни ривожлантириш учун қулай шароитларни яратишни назарда тутди. Давлат бу йўл билан фермерликни ривожини билвосита қўллаб-қувватлайди. Кейинги йилларда бу йўналишда бир қатор муҳим қарорлар қабул қилинди ва амалга оширилмоқда. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 январдаги 8-сонли қарорига мувофиқ фермер хўжаликларига айлантирилаётган хўжаликлар ҳудудида барпо этилаётган бозор инфратузилмаси объектларининг ишлаб чиқариш, молиявий ва моддий –

техника базасини ривожлантиришни рағбатлантириш мақсадида фермер хўжаликларини минерал ўғитлар ва ёнилғи – мойлаш материаллари билан таъминлаш бўйича бўлинмалар мулк солиғи ва ер солиғи тўлашдан, сувдан фойдаланувчилар уюшмалари хизматлари қўшилган қиймат солиғи, фойда ва мулк солиғи ҳисобланиши ва тўланишидан 2 йилдан муддатга озод қилинди.

Фермер хўжаликлари сифатида қайта ташкил этилаётган қишлоқ хўжалиги корхоналари ҳудудида тузилаётган муқобил машина – трактор парклари солиқ солиш шартлари ва қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларга кўрсатилаётган хизматлар (ер ҳайдаш, экиш, ишлов бериш, ҳосилни йиғиштириш ва бошқалар) учун ҳисоб–китоблар бўйича “Ўзағромашсервис” уюшмаси вилоят бирлашмаларининг машина – трактор паркларига тенглаштирилди. Шунингдек, фермерлар ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналарига лизинг хизмати кўрсатувчи корхоналарга ҳам бир қатор имтиёзлар берилган ҳусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 2 ноябрдаги “Қишлоқни лизинг шартларида қишлоқ хўжалик техникаси билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 424-сонли қарори билан “Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг” компанияси корхоналари томонидан замонавий қишлоқ хўжалик техникасини фермерларга ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналарига камида 7 йиллик муддат билан лизингга бериш ва компанияси даромади (маржаси) нинг имтиёзли ставкаси Марказий банк қайта молиялаштириш ставкасининг 50 фоизидан юқори бўлмаслиги белгилаб қўйилди. Бунда тракторлар ва ўрим-йиғим техникаси қийматининг 15 фоизи аванс сифатида фермер хўжаликлари томонидан ўз маблағлари ҳисобига ва қолган 85 фоизи “Қишлоқ хўжалигини техника билан таъминлашни давлат томонидан қўллаб – қувватлаш жамғармаси” қарз асосида берадиган маблағлар ҳисобига маблағ билан молиявий таъминланади. Кичик ва ўрта бизнесни замонавий технология, ускуналар билан жиҳозлашда, шунингдек, мамлакатимизнинг ишлаб чиқарувчилари томонидан таёрлаб чиқарилган асбоб-ускуна ва техникаларини сотишда

лизинг фаолияти ролини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 28 августдаги “Лизинг фаолиятини ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони билан 2002 йилнинг 1 сентябридан бошлаб лизинг тўловлари қўшилган қиймат солиғидан, лизингга бериш учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб келадиган технология ускуналари вакил банкнинг тегишли тасдиғи мавжуд бўлган тағдирда божхона тўловидан ва қўшилган қиймат солиғидан озод қилинди. Шу билан бирга, лизинг оладиган хўжалик юритувчи субъектлар лизингга берилган мулкка солиқ тўлашдан лизинг шартномаси амал қиладиган муддатгача озод қилинадиган ва лизинг берувчини солиққа тортишда у лизингга бериш учун мулк харид қилишга олган кредитлар фоизи ҳамда белгиланган бошқа тўловларнинг суммаси унинг жами даромадидан чегириб ташланадиган бўлди. Бунинг ижобий томони шундаки, эндиликда фермерлар бир томондан, замонавий қишлоқ хўжалиги техникаларини анча енгил шартларда ва арзон тўловлар эвазига лизингга олиш имкониятига эга бўлсалар, иккинчи томондан, лизинг берадиган корхоналар ҳам лизинг хизмати сифати ва самарадорлигини муайян даражада оширишга муваффақ бўладилар.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Агросанот мажмуасини ривожлантириш ҳар қандай давлатнинг, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Ўзбекистон Республикаси агросаноат мажмуаси иқтисодиётнинг нисбатан яхши ривожланган соҳаси ҳисобланади. Уни мамлакат ҳаёти учун иқтисодий ва ижтимоий аҳамияти жуда катта. Чунки бу соҳа катта молиявий ресурслар талаб қилмасдан катта самара бера оладиган соҳадир. Бошқа тармоқларни ташкил этиш ва ривожлантириш, ўз навбатида, катта молиявий ва янги соҳада ихтисослашган асосий воситалар, меҳнат ресурсларининг бўлишини талаб қилади. Агросанот мажмуаси эса, Ўзбекистон Республикасининг тарихан мавжуд бўлган ва ривожланган соҳаларидан бири ҳисобланади. Мамлакат аҳолиси жуда қадим даврлардан қишлоқ хўжалиги билан шуғулланиб келади. Мамлакат аҳолиси қишлоқ хўжалигини юритишда жуда катта малакага эга. Табiiй-иқлим шароитлари қишлоқ хўжалиги учун қулай минтақалардан ҳисобланади. Шу сабабли ҳам агросаноат мажмуасини ривожлантириш Ўзбекистон Республикаси учун энг муҳим устувор йўналишлардан бири қилиб белгиланган.

Мамлакат кучли ижтимоий ҳимояга асосланган бозор иқтисодиётига ўтиш йўлидан бормоқда. Шу йиллар ичида мамлакат агросаноат мажмуасини бозор иқтисодиёти талаблари асосида ривожлантиришни таъминлайдиган ҳуқуқий база яратилди ва такомиллаштирилиб борилмоқда. Агросаноат мажмуасида давлатнинг улуши минималлаштирилди ва новдавлат сектор ҳал қилувчи асосий кучга айланди. Ҳозирда мамлакат қишлоқ хўжалигида етиштирилаётган ялпи маҳсулотнинг 99 фозидан кўпроғи нодавлат секторида ишлаб чиқарилмоқда. Қишлоқ хўжалигида хусусий мулкка (ердан ташқари) асосланган фермер ва деҳқон хўжаликлари ташкил топди ва улар жадал ривожланиб бормоқдалар. 2003 йилнинг 1 январига келиб мамлакат қишлоқ хўжалигида жами бўлиб 77 мингта фермер хўжалиги фаолият кўрсатиб турган бўлса, 2008 йилда фермер хўжаликлари сони 219976 тани ташкил этди. Олиб борилган чуқур ислохотлар натижасида мамлакатда дон

етиштириш ҳажми кескин кўпайди. Агарда 1992 йилда жами бўлиб 2,2 млн. тонна дон етиштирилган бўлса, 2002 йилга келиб бу кўрсаткич 5,4 млн. тоннани, 2005 йилда 6008,8 минг, 2006 йилда 6,1 млн. тоннани ташкил этди. Шу йиллар ичида Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигида олдин кўп миқдорда етиштирилмаган мойли ўсимликлар маҳсулотлари, канд лавлаги ишлаб чиқариш кўпайтирилди. Мева, савзавот ва полиз маҳсулотлари етиштириш ҳам кескин кўпаймоқда. Чорвачилик тармоғи ривожланиши эса, аксинча, қониқарли ҳолатда эмас. Сут, гўшт, етиштириш 2000 йилда 1990 йил даражасида бўлди, тухум етиштириш эса ҳажман 3 мартадан ортиқроққа камайиб кетди. 2005 йилга келиб 1991 йилга нисбатан қорамоллар бош сони 16,4 фоизга, етиштирилаётган гўшт 17,4 фоизга, сут 14,6 фоизга ва тухум ишлаб чиқариш 9,6 фоизга кўпайди.

Республикада 1991-1996 йилларда чорва моллари бош сони 12-17 фоизга камайиб кетди. Республикада бу ҳолатга ўз вақтида тўғри баҳо берилди ва чорва моллари бош сонини кўпайтириш чоралари кўрилди. Натижада 1998 йилдан бошлаб чорва моллари бош сони ўса бошлади. Собиқ иттифоқ таркибида бўлган республикаларнинг барчасида мустақилликка эришгандан кейин чорва моллари бош сони кескин камайиб кетди.

Республика Президенти, ҳукумати чорвачилик тармоғининг кескин камайиши энг аввало аҳолининг турмуш даражасига таъсир қилишини ҳисобга олиб, соҳада иқтисодий ислохотларни чуқурлаштирди. Бу тадбирлар натижасида республикада чорва молларининг бош сони кескин камайиб кетишга йўл қўйилмади. Шунга қармасдан уларнинг бош сонини янада кўпайтириш зарурати бор.

Республика қишлоқ хўжалигида мавжуд чорва молларнинг зоти кейинги йилларда яхшиланган эмас. Бу борада жуда катта ишлар қилиниши лозим. Мамлакатда чорва молларининг бош сонини кўпайтириш, уларнинг янги, сермаҳсул зотларини яратиш ёки сотиб олиш, чорвачиликнинг ем – хашак базасини мустаҳкамлаш зарурати бор. Чорвачиликнинг моддий-техника

базасини мустакамлаш ва янги технологиялар жорий этиш бугунги кун талабидир.

Кейинги 2000-2006 йилларда умуман, мамлакат қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотини ишлаб чиқариш йилига 4,5 -6 фоиздан кўпроқ ўсмоқда. 2004-2005 йилларда бу кўрсаткич мос равишда 10,1 ва 7,0 фоизни ташкил этди.

Ўзбекистон Республикаси агросаноат мажмуаси тармоқлари олдида қуйдаги асосий мақсадли вазифалар турибди.

- Маҳсулотлар миқдорини кўпайтириш ва ассортиментини яхшилаш. Бу борада катта ишлар амалга оширилиши лозим. Чунки мамлакат аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан тиббиёт меъёрига мос равишда таъминланиш даражаси ҳали анча паст. Айниқса, чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кескин кўпайтириш талаб қилинади. Мамлакатда дон етиштиришни 10-12 млн. таннага етказиш, гўшт, сут етиштиришни энг камида икки, тухум етиштиришни 3 мартага кўпайтириш талаб қилинади. Албатта физиологик меъёр (энергия олиш) нуқтаи назаридан озиқ-овқат муаммоси мамлакатда тўлиқ ҳал этилган. Аммо озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ижтимоий – иқтисодий томондан баҳоланганда катта муаммо бўлиб турибди. Гап шундаки, физиологик меъёр бўйича олинаётган энергия қайси маҳсулотларни истеъмол қилиш эвазига ҳосил бўлмоқда, деган савол туғилади. Ҳозирда мамлакат аҳолиси озиқ – овқатдан олинаётган энергиянинг асосий қисми нон ва нон маҳсулотлари, картошка, углеводлар ва меваларни истеъмол қилишдан олинмоқда. Инсон организми талаб даражасида мўътадил фаолият кўрсатиши учун эса баланслашган озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмол қилиш талаб этилади. Республикада бу маҳсулотлардан жон бошига қанчадан истеъмол қилинишини кўрсатувчи махсус меъёр ҳам ишлаб чиқилган. Бу борада, яъни баланслашган озиқ-овқат истеъмол қилишда, ҳали жиддий камчиликлар мавжуд. Айниқса, чорвачилик, асаларичилик, балиқ маҳсулотларига бўлган талаб катта бўлишига қарамасдан шу маҳсулотлар билан аҳоли қониқарсиз ҳолда таъминланган. Шу жиҳатдан мамлакатда ер, сув, меҳнат ва бошқа ресурслардан фойдаланишнинг энг самарали йўлларини

топиш, фан, техника ва технологиянинг энг илғор ютуқларини ишлаб чиқаришга қўллаш орқали қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва улардан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, ассортиментини яхшилаш агросаноат мажмуасининг бош вазифаларидан биридир. Агарда ер юзи аҳолисининг 2 млрд.га яқини очлик, тўйиб овқат емаслик ва ичимлик сув танқислиги шароитда яшаётганини ҳисобга олсак, бу муаммо ниҳоятда муҳимлиги аёнлашади. Бундан ташқари ер юзи аҳолиси, жумладан, Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ҳам кўпайиб бормоқда. Ҳисоб-китобларга караганда, 2030 йилга бориб Республика аҳолиси 46-млн. кишини ташкил этар экан.

- Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг таннархи паст бўлишини таъминлаш. Бу жуда долзарб муаммолардан бири бўлиб, бозор иқтисодиёти талабидан келиб чиқади. Бозорда рақобатга бардош бериш учун етиштирилаётган маҳсулотлар ҳам сифатли, ҳам арзон бўлиши керак. Бозорда талаб ва таклиф қонуни талаблари натижасида шаклланган нархдан етиштирилаётган маҳсулот таннархи арзон бўлиши талаб қилинади. Маҳсулотлар таннархининг арзон бўлиши маълум даражада ижтимоий масалаларни ҳам тўғри ҳал этилишига хизмат қилади. Шунингдек, маҳсулотлар таннархининг паст бўлиши уларнинг нархини пасайишига олиб келишига асос бўлиб хизмат қилади. Бу, аҳолининг маҳсулотларни сотиб олиш имкониятларини кенгайтиради, турмуш даражасини оширади, ишлаб чиқарувчиларнинг эса фойдаси кўпайишини таъминлайди. Натижада корхоналарнинг давлат бюджетига тўловлари ва солиқларнинг умумий миқдори кўп бўлишига олиб келади. Бу эса мамлакат иқтисодиётини кучайтиради ва янада тез ривожланиш имкониятларини яратади.

Кейинги йиллардаги мамлакатда олиб борилган нарх сиёсати натижасида қишлоқ хўжалиги корхоналарининг иқтисодий имкониятлари анча чекланиб қолди. Саноат маҳсулотларига эркин нархлар сиёсати олиб борилди ва натижада қишлоқ хўжалиги сотиб олаётган ўғит, ёқилғи—мойлаш материаллари, техника, уларни бутловчи қисмлари нархлари 14 йил (1991-

2005) ичида 1400 марта ва ундан кўпроққа ошди. Қишлоқ хўжалигининг асосий маҳсулотлари бўлган пахта ва донга нархлар эса 24-50 марта ошди, холос. Нархларнинг бундай ҳолатда шаклланиши (нарх паритетининг бузилиши) қишлоқ хўжалиги корхоналарнинг иқтисодий имкониятларининг чекланишига сабаб бўлади ва бу ҳолат, ўз навбатида, қишлоқ хўжалиги корхоналарида кўплаб бошқа муаммоларнинг юзага келишига сабаб бўлмоқда. Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг бу ҳолати, ўз навбатида, умуман, мамлакат агросаноат мажмуасининг жадал ривожланишига тўсқинлик қилмоқда. Шу сабабли ҳам етиштирилаётган маҳсулотлар бирлиги таннархини имкон даражасида пасайтириш агросаноат мажмуасини асосий вазифаларининг иккинчиси ҳисобланади.

- Мамлакат агросаноат мажмуаси тармоқларида, айниқса, қишлоқ хўжалигида, меҳнат унумдорлигини ошириш. Маълумки меҳнат унумдорлигининг юқори бўлиши жуда катта ижобий натижаларга олиб келади. Меҳнат унумдорлигининг ошиши маҳсулот таннархи нисбатан паст бўлишини, катта миқдордаги ресурслар тежалишини таъминлайди. Қишлоқ хўжалигидан меҳнат ресурсларининг бўшашига олиб келади. Қишлоқ хўжалигидан бўшаган меҳнат ресурслари нисбатан кўп малака ва билим талаб қиладиган саноатнинг турли саҳоларида ишлаши учун имкониятлар туғилади. Натижада мамлакат меҳнат ресурсларининг сифат даражаси ошади. Бу эса энг катта бойлик ҳисобланади.

Ривожланган давлатлар таржибалари шуни кўрсатадики, бизда меҳнат унумдорлигини ошириш имкониятлари жуда катта. Масалан: АҚШ, Германия, Голландия каби ривожланган давлатларда қишлоқ хўжалигида банд бўлган бир ходим мамлакат аҳолисининг 90-110 тасига етарли маҳсулот ишлаб чиқарилади. Бизда бу кўрсаткич 9-12 тани ташкил этади. Албатта, ривожланган давлатлар агросаноат мажмуаси таркибида асосий меҳнат ресурслари агросаноат мажмуасининг қишлоқ хўжалигига хизмат қиладиган ёки қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган соҳаларда банд. Агар умуман, агросаноат мажмуасида меҳнат унумдорлигини ҳисобга олсак,

юқоридаги нисбатнинг фарқи камайади. Шунга қармасдан ривожланган давлатлар ва Ўзбекистон қишлоқ хўжалигидаги меҳнат унумдорлигининг даражаси ўртасидаги фарқ жуда катта. Шу сабабларга кўра, мамлакат агросаноат мажмуасида меҳнат унумдорлигини ошириш энг муҳим вазифалардан бири бўлиб қолади. Бозор иқтисодиёти шароитида рақобатда ютиб чиқиш ва барқарор ривожланиш учун меҳнат унумдорлигини оширишга эътиборни кучайтириш лозим.

- Мажмуа тармоқларининг бир–бири билан мутаносиб ҳолда ривожланишни таъминлаш. Бу жуда катта назарий ва амалий аҳамиятга эга вазифалардан биридир. Ҳозирда мамлакат агросаноат мажмуасининг биринчи соҳаси - агросаноат мажмуаси тармоқлари учун ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқарувчи тармоқларнинг мавжудлиги ва борларининг ривожланиш даражаси талабдагидан жуда паст. Натижада, республика қишлоқ хўжалигида ишлатилаётган тракторларнинг катта қисми, комбайнлар, юк автомобилларининг юз фоизи импорт эвазига қопланади. Мамлакатда тарктор, пахта териш машинаси ва қатор қишлоқ хўжалиги учун зарур ишчи машиналар ишлаб чиқаришга етарлича имконият бор. Шу сабабли ана шу тармоқларни ривожлантиришга энг устувор йўналишлардан бир сифатида қаралмоқда.

Қишлоқ хўжалигида етиштирилган маҳсулотларнинг нобуд бўлмаслиги жиҳатидан уларни тайёрловчи, қайта ишловчи, сақловчи ва истеъмолчиларга етказиб берувчи тармоқ ва хизматларнинг мавжудлигига, уларнинг жиҳозланишига ва бир меъёрга етарли қувват билан ишлашига боғлиқ. Ҳозирда қишлоқ хўжалигида етиштирилган айрим маҳсулотнинг катта бир қисми ана шу тармоқларидаги камчиликлар сабабли нобуд бўлмоқда. Бу эса ишлаб чиқариш ресурслари, маҳсулотлар тақчиллиги шароитида йўл қўйиб бўлмайдиган йўқотишдир. Айниқса помидор, узум, олма каби маҳсулотлар пишган пайтда уларни тайёрловчи, сақловчи ва қайта ишловчи ташкилотлар қувватининг етишмаслиги бунга сабаб бўлмоқда. Баъзи ҳолларда мавжуд қувватлардан фойдаланиш даражасининг пастлиги ҳам иқтисодиётга катта

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари:

- 1 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Т.: «Ўзбекистон», 2012. - 326.
- 2 Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги 2004 йил 26 августдаги «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонуни, // «Халқ сўзи» газетаси, 2004 йил 15 октябр.
- 3 Ўзбекистон Республикасининг “Дехқон хўжаликлари тўғрисида”ги қонуни. Т.:”Адолат”, 1998.-16 б.
- 4 Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси.-Т.:”Адолат”, 1998.-67 б.

II. Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Фармонлари ва Қарорлари:

- 5 Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 7 февраль.
- 6 Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар” тўғрисида 2016 йил 5 октябрдаги пф-4848-сонли.
- 7 Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 7 февраль.
- 8 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 6 октябрдаги «Фермер хўжаликлари юритувидаги ер участкалари миқдорларини мақбуллаштириш бўйича чора-тадбирлар ҳақидаги таклифларни ишлаб чиқиш бўйича Махсус комиссияни ташкил этиш тўғрисида»ги Ф-3077-сонли Фармойиши.

- 9 Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида. 2006 йил 23 март
- 10 Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори.«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурини кучга киритиш тўғрисида. 2009 йил 26 январь, ПҚ-1046-сон.
- 11 Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. «Баркамол авлод йили» Давлат дастури тўғрисида. 2010 йил 27 январь,ПҚ-1271-сон.
- 12 “2006 йилда қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлар)ни фермер хўжаликларига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8 ноябрдаги ПФ-215-сон қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами 45-сон (181) 2005 йил ноябрь.
- 13 Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 мартдаги ПФ-3226 сонли Фармони.// “Халқ сўзи” газетаси - 2003 йил 25 март.
- 14 2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 27 сентябрдаги ПФ-3342 сонли фармони.//“Халқ сўзи” газетаси - 2003 йил 28 сентябр.
- 15 Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов мамлакатимиз иқтисодиётининг 2008 йил якунларига бағишланган йиғилишидаги маърузаси.
- 16 Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 29 январдаги мамлакатнинг 2009 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиши якунлари ва 2010 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг устивор йўналишларига бағишланган маърузаси.

- 17 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 22 октябрдаги “Фермер хўжаликлари тасарруфидаги ер участкалари майдонларини янада мақбуллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ф-3287-сонли Фармойиши.

III. Ўзбекистон Республикаси Президентининг маърузалари ва асарлари

- 18 Ш.М.Мирзиёев “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак”. Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси.// “Халқ сўзи”, 2017 йил 16 январь
- 19 Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси 21.12.2017 йил
- 20 Ш.М.Мирзиёев Буюк келажагимизни мард ва олижноб халқимиз билан бирга кураимиз. Тошкент, «Ўзбекистон», 2017.
- 21 Ш.М.Мирзиёев миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Тошкент, «Ўзбекистон», 2017.
- 22 Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилишдир. Тошкент, «Ўзбекистон», 2005. 82-б.
- 23 Каримов И.А. Иқтисодий эркинлаштириш, ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш – бош йўлимиз. Т.: “Ўзбекистон”, 2002.
- 24 Каримов И.А. Ислохотлар стратегияси ва мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтириш. – Халқ сўзи, 2003 йил 18 феврал.
- 25 Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодий, 2009.

IV. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари:

- 6 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг Қарори. 2008 йилда Республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2009 йилда иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисида. 2009 йил 13 февраль.
- 27 Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни маблағ билан таъминлаш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 7 ноябрдаги 383-сонли қарори.//“Халқ сўзи” газетаси - 2002 йил 8 август.
- 28 Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида шартномавий муносабатларни такомиллаштириш ва мажбуриятлар бажарилиши учун томонларнинг жавобгарлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 сентябр 383-сонли қарори.// “Халқ сўзи” газетаси - 2003 йил 5 сентябр.
- 29 2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги 476-сонли қарори.// “Халқ сўзи” газетаси - 2003 йил 1 ноябр.
- 30 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 27 октябрдаги 607-сонли «2005-2007 йилларда фермер хўжаликларини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори.
- 31 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш Республика комиссиясининг 2009 йил 2 ноябрдаги 3/1-903-сонли йиғилиш баёни.

V. Дарслик ўқув қўланмалар ва маърузалар матинлар:

- 32 Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарини ўрганиш бўйича ўқув

- қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2009. – 120 б.
- 33 Абдуғаниев А. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. Дарслик. -Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси қошидаги Адабиёт жамғармаси, 2010.
- 34 Салимов Б.Т., Ўроқов Н.И. Қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси иқтисодиёти. Ўқув қўлланма. Т.: ТДИУ, 2004.
- 35 Зокиров О. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. Дарслик. -Т.: ЎзАЖБНТ, 2003.
- 36 Олимжонов О., Фармонов Т. ва бош. Фермерлик фаолиятининг ҳуқуқий ва молиявий асослари. Т.: Университет, 2005.
- 37 Бекмуродов А.Ш. ва бошқалар. Ўзбекистон иқтисодиётни либераллаштириш йилларида. 1-5-қисмлар. Т.: ТДИУ, 2005. – 310 б.
- 38 Беркинов Б.Б., Ташматов Р.Х. Ўзбекистонда фермер хўжаликларига хизмат кўрсатувчи инфратузилмаларни ривожлантириш йўналишлари. Ўқув қўлланма.– Т.: ТДИУ, 2007.
- 39 Салимов Б.Т., Абдуғаниев А., Юсупов М.С. Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари. /Ўқув қўлланма.– Т.: ТДИУ, 2007.
- 40 Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг 2008 йилда Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устивор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги “Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби” мавзусидаги маърузаси, //Маърифат газетаси 2009 йил 14 феврал.

VI. Статистка маълумотлар тўплами

- 41 Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг 2009 йилда Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2010 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устивор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги

- “Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтириш” мавзусидаги маърузаси, //Маърифат газетаси 2010 йил 30 январ.
- 42 Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир. – Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 28 январь. Каримов И.А. “Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиетини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади”, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2010 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси, “Халқ сўзи”, 22 январь, 2011й.
- 43 Каримов И.А. “2012-йил ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади”, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2011 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2012 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси, “Халқ сўзи”, 20 январь, 2012й.
- 44 Каримов И.А. “ Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохатлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш” Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2012 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2013 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси, “Халқ сўзи”, 19 январь, 2013
- 45 Фарғона вилояти ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари, // Фарғона вилояти статистика бошқармаси

маълумотлари.

- 46 Фарғона вилояти Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси маълумотлари.

VII. Интернет сайтлари:

- 47 Бозор ислохотлари илмий тадқиқот институти, // www.uzbiiti.uz
- 48 Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, // www.agro.uz.
- 49 Ўзбекистон ҳукумати портали, // www.gov.uz
- 50 “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари” ҳуқуқий ахборот тизими, www.lex.uz
- 51 “Фермер ва томорқачи” газетаси сайти, // fermer.uz